8 МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

Mustaqillik huquq demakdir

# Huquq

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2015-yil 5-mart, №9 (946)

Эътироф

## Меҳр-муҳаббат ва гўзаллик тимсоли

***Олам яшариб ва янгиланиб бораётган баҳорнинг илк кунларида Халқаро хотин-қизлар кунининг нишонланиши ўзгача мазмун-моҳият касб этади. Баҳор аёлларнинг табассумидан бошланади, дейишади. Баҳор ва аёл... Иккови ҳам гўзаллик ҳақидаги тушунчани ифодалайди. Шу боис, оламзолни ўзига ром этган санъат турларида ҳам баҳор мадҳ этилиб, аёллар улуғланади.***

Аёлни куйламаган ҳофиз, унга атаб ашъор битмаган шоир бўлмаса керак. Сўз мулкининг султони, буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоий ҳам аёлни мадҳ этаркан: "Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин", дея уни тугал таъриф этолмаслигини тан олган. Шарқнинг яна бир буюк шоири аёлнинг дона холига шаҳарларни садқа қилмоқчи бўлгани ва Леонардо да Винчининг шуҳратини оламга ёйган мўйқалам аёлнинг бир лаҳзалик нигоҳидан сеҳрлангани бежиз эмас.

Дунё гўзаллиги, ҳаётнинг мазмун-моҳияти аёлнинг фидойи қалби, вафо ва садоқатида акс этади. Аёл — бу меҳр-муҳаббат, аёл — гўзаллик ва нафосат тимсоли. Ватан, қуёш, замин ва миллат сўзлашадиган тилнинг доимо онага қиёслангани, бу аёлнинг улуғлигидандир. Аёлнинг ўзига ярашиқли унвонлари кўп: у меҳрибон она, мунис опа, сингил, жонга жон тутгувчи қиз, жонкуяр ва тиниб-тинчимас келин, ойланинг чироғи бўлган бека, куюнчак муаллима, тадбиркор раҳбар... Бундай масъулиятли мартабаларнинг ҳар бири мамлакатимиз ҳаётида аёлнинг қадрини янада юксалтираверади. Ҳаётнинг барча қувончу ташвишлари унинг кўнглидан ўтиб, сўнг жамиятга сингиб боради. Аёлнинг оилада, маҳаллада ва жамиятда тутган ўрнини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди.

Она фарзанди бешиги бошида алла айтиб, тунларни тонгларга улайди. Алла — онанинг фарзандига дуоси. Минг онанинг тилида минг хил товланиб такрорланадиган бу мўъжаз қўшиқ инсон тарбияси, келажаги билан ҳамоҳангдир. Аллада элга фидолик, ўзига нисбатан ишонч уйғотадиган руҳ ва куч мужассам.

Ҳар бир инсон — жамиятнинг бебаҳо бойлиги. Айниқса, жамиятда аёлларнинг ўрни бўлакча. Чунки у оила иқлимини бошқаради. Фарзанд тарбияси, оила осойишталиги унга боғлиқ. Рўзғори тўкис, уйи тинч, фарзандлари саломат бўлса, аёлнинг юз-кўзидан бахт нури ёғилади, меҳнат қилиб чарчамайди. Унинг табассуми эса оилани чароғон этади. Ўз оиласида бахти бутун бўлган аёлнинг жамиятда ҳам ўрни ва нуфузи сарбаланд бўлади. Юксак маънавиятли ва маърифатли аёллар нафақат ўз уйининг, балки элу юртнинг зийнатидир.

Қиз ота-онанинг ғурури, ака-укаларнинг номусидир. Қолаверса, улар — ҳаётимиз давомчилари. Уларни тарбиялаш келажак авлодни ҳам тарбиялаш демакдир. Одоб-ахлоқли, билимли ва зукко қизларни кўрганингда беихтиёр уларнинг оналарига тасаннолар айтгинг келади.

/Давоми 3-бетда/

Назорат

## Адолат қонун устуворлиги билан ўлчанади

***Ўтган йилларда юртимиз барча соҳаларда эришган улкан ютуқ ва муваффақиятлар кўлами бугун жаҳон ҳамжамиятининг эътирофига сазовор бўлаётгани айни ҳақиқатдир. Айниқса, тараққиётнинг "ўзбек модели" сифатида ном қозонган йўлимизнинг нақадар тўғри ва оқилона эканини бугунги шиддатли замоннинг ўзи исботлаб турибди. Бу билан ҳар биримиз ҳақли равишда фахрлана оламиз.***

Ҳақли равишда таъкидлаш лозим, бу ютуқларда прокуратура органларининг ҳам муносиб улуши бор. Зеро, коррупция, жиноятчилик, мавжуд қонунларни, унинг талабларини бузиш жамият ривожига тўсиқ бўлишини барчамиз яхши тушунамиз. Жиззах вилоят прокуратураси органлари томонидан ҳам қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашни ташкил этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

Прокуратура органлари назорат фаолиятини амалга оширишда асосий эътиборни иқтисодиётни эркинлаштириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлашга, қишлоқ хўжалиги, суд-ҳуқуқ соҳасида ислоҳотларни жадаллаштиришга доир қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва Қарорлари ижросининг таъминланишига қаратмоқда.

Ўтган 2014 йилда аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари прокурор назорати ҳужжатлари киритиш орқали бартараф қилиниб, қонунийликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда қатъий чоралар кўрилди. Чунончи, йил мобайнида 4062 нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Бундан ташқари, аниқланган зарарларни фуқаро ҳамда юридик шахслар фойдасига ундиришга жиддий ёндашилди. Жумладан 5,9 млрд. сўмлик зарарларни ундириш ҳақида фуқаролик судларига 815 та ва хўжалик судига 15,8 млрд. сўмлик 1219 та ариза киритилди. Барча соҳаларда ўтказилган текширишлар натижаларига кўра 9641 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Мансабдор шахсларнинг 2483 та ноқонуний ҳужжатлари прокурор протестлари асосида бекор қилиниб, қонунга мувофиқлаштирилди. Қонунбузилиши ҳолатларини бартараф қилиш борасида 1711 та тақдимнома киритилди.

Текшириш натижаларига кўра, 3710 нафар мансабдор шахс интизомий, 1636 нафари маъмурий ва 182 нафари эса моддий жавобгарликка тортилди. Жиддий қонунбузарликлар юзасидан 218 та жиноят иши қўзғатилди. Жиноят ишларининг тергови ҳамда текширишларда аниқланган зарарларнинг 11,3 млрд. сўми айбдор шахслардан ихтиёрий ундирилди.

Қонунчилик ижроси устидан назорат йўналишида ўтказилган текширишларда аниқланган қонунбузилиши ҳолатларига нисбатан 2975 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб, 1388 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

/Давоми 4-бетда/

## Комиссия аъзолари малака оширишмоқда

***Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва округ сайлов комиссиялари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари аъзолари учун ҳудудий семинарлар ўтказилмоқда.***

Мазкур семинарлар сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий билимини янада ошириш ва сайлов комиссиялари фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича кўникмаларини бойитишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида Тошкент вилояти участка сайлов комиссиялари аъзолари учун шундай тадбир ташкил этилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови муҳим сиёсий воқеа эканини таъкидлади. Сайловга тайёргарлик кўриш, уни демократик принциплар асосида ўтказиш участка сайлов комиссиялари зиммасига катта масъулият юклайди.

Тадбирда участка сайлов комиссияларининг долзарб вазифалари ҳақида сўз юритилиб, барча йиғилиш, учрашув ва суҳбатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурига қатъий риоя этилган ҳолда ташкил қилинаётгани қайд этилди. Барча сайлов комиссияларининг фаолияти мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, адолатлилик каби демократик принциплар асосида ташкил этилмоқда.

Семинарда муддатидан олдин овоз бериш ва сайлов куни овоз беришни ташкил қилиш тартиби, сайлов жараёнида халқаро кузатувчиларнинг роли, сайлов кампаниясининг очиқлик ва ошкоралигини таъминлашга оид маърузалар тингланди.

Экспертлар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг аҳамияти, сайловни юксак демократик даражада ташкил этиш, жойларда сайловчилар учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳақида сўз юритишди.

Тадбирда участка сайлов комиссиялари сайлов жараёнининг муҳим бўғини экани эътиборга олинган ҳолда, овоз беришни қонун талабларига мувофиқ ўтказиш, халқаро ва маҳаллий кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда участка сайлов комиссиялари фаолияти билан боғлиқ бошқа жиҳатларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Семинар иштирокчиларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди. Улар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази фаолияти билан ҳам танишишди.

*Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бугунги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бу ўз навбатида, вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлиги, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишига имкон бераётган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган, ижтимоий жиҳатдан хавфли ҳолатлаги вояга етмаганлар ва оилалар билан олиб борилаётган профилактика ишларини янада кучайтиришни талаб қилади.*

# Огоҳлик — давр талаби

**Гайратжон МУҲАММЕДОВ,**
Оҳангарон туман прокурори

Юртимизда бу борада қабул қилинган қонунлар болаларни ҳимоя қилишнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришга, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг, шунингдек, ота-оналарнинг, васийлик ва ҳомийлик органларининг масъулиятини янада оширишга қаратилган.

Оҳангарон туманидаги Саноат касб-ҳунар коллежида туман прокуратураси ва ҳокимлиги ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги ҳамда "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 январдаги "Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик ва назоратсизликларнинг олдини олиш ва унга барҳам бериш мақсадида "Одам савдоси — давр муаммоси" мавзусида тадбир ўтказилди.

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад ижтимоий муҳитни соғломлаштириш ҳамда вояга етмаган ёшларни турли оқимларга қўшилиб қолишдан огоҳ этиш бўлиб, унда ўзга юртларга алдов йўли билан олиб чиқиб кетилган ёшлар ва бошқа шахсларнинг мурожаатларига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Шу билан бирга, ёшларга чет элдан иш таклиф қилинганда, бу ҳақда тегишли маълумотлар олишлари мумкин бўлган идора ва муассасалар ҳақида ҳам тушунтиришлар берилди.

Тадбирда иштирокчиларга тўғри йўлдан адашмасликлари ҳақида, жиноят учун жавобгарлик муқаррар эканлиги турли воқеалар асосида тушунтириб ўтилди.

Йиғилиш сўнггида Ўзбек миллий академик драма театрининг эл суйган, таниқли санъаткорлари ижросида "Огоҳ бўлинг, одамлар!" номли спектакл намойиш этилди.

# Такрор уйланишга пули бор-у алимент тўлашга...

***Оилавий можаролар ажралиш билан тугагач, баъзи оталар боласини тақдир ҳукмига топширгани етмагандек, оталик мажбуриятини бажаришдан ҳам бош тортишади. Ўзларини бечораҳол кўрсатишга уриниб, ҳар қандай юзсизликка тайёр туришади.***

**Акбарали ЮСУПОВ,**
Чироқчи туман прокурори ўринбосари

Чироқчи туманининг "Қалқама" қишлоғида яшовчи Ҳасан Эргашев, бир қараганда, дуруст одам. Аммо унинг ҳаёт китобини варақласангиз, инсоний фазилатлар борасида анчагина оқсоқ эканлигини кўрасиз. Тайинли бир жойда ишламайдиган бу одам умр дафтарининг уйланиш бобида янги-янги саҳифаларни очаверган.

Ҳ.Эргашев 4 нафар фарзанди бўлишига қарамай, биринчи турмушидан ажрашди. 1994 йилда Фотима Суюнова билан шаръий никоҳ орқали оила қурди. Ўзаро турмуш давомида уларнинг 2 нафар фарзанди дунёга келди. Аслида болалар эр-хотинни боғлаб турувчи мустаҳкам маънавий ришталар ҳисобланади. Қолаверса, фарзанд оила қувончи, авлодлар давомийлигини таъминловчи муҳим омилдир. Бироқ Ҳасан Эргашев учун фарзандлар гўёки эр-хотин ўртасидаги муносабатларга совуқчилик туширди. Оилавий жанжаллар кўпайди. Ҳақиқат шунда эдики, оила бошлиғи ҳисобланадиган эр болалари учун қайғуриши, уларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан таъминлаши зарур эди. Бироқ ота буни тушунишни истамасди. Жанжаллар хотинининг болаларни олиб уйни тарк этиши билан якунланди. Оиланинг парчаланиши эса уни заррача ташвишга солмади. Чунки у аноийлардан эмасди. Хотини кетгач, кўп ўтмай учинчи бор уйланди. Бу орада собиқ хотини Фотима Суюнова икки нафар фарзандига алимент ундириб беришни сўраб, фуқаролик ишлари бўйича Чироқчи туманлараро судига мурожаат қилди. Суд унинг аризасини қаноатлантириб, Ф.Суюнованинг фойдасига вояга етмаган фарзандларига алимент ундириш тўғрисида қарор чиқарди.

Ҳасан Эргашев суд қарорига биноан бироз алимент тўлаб юрди. Бироқ 2013 йилнинг 1 майидан бошлаб, фарзандлари таъминотини бутунлай тўхтатиб қўйди. Чунки у бу пайтда тўртинчи бор уйланган ва фарзандлари яна биттага кўпайганди. Негадир унинг хотин устига хотин олиши қишлоқ оқсоқолларининг, қолаверса, қўни-қўшниларнинг парвойига ҳам келмасди.

Суд ижрочиларининг бир неча огоҳлантиришларига қарамай, Ҳ.Эргашев алимент тўлашга имконияти йўқлигини баҳона қилиб юраверди. Натижада 2013 йилнинг 1 майидан 2014 йилнинг 31 июлига қадар 3 млн. 199 минг сўмдан ошикроқ миқдордаги алимент пуллари фарзандларининг моддий таъминоти учун тўланмасдан қолди.

Фотима Суюнова собиқ турмуш ўртоғидан алимент ундира олмаганидан сўнг, жиноят ишлари бўйича Чироқчи туман судига мурожаат қилди.

Судда Ҳасан Эргашев ҳеч қаерда ишламаслигини, алимент тўлашга моддий имкони йўқлигини айтиб, турли баҳоналарни тўқиди. Ажабланарли ҳол. Оиласини сақлаб қолиш чораларини излаш ўрнига ажралишни хоҳлаб, яна икки бор уйланишга маблағ топа олган ота пушти камаридан бўлган болаларининг ҳақига хиёнат қилиб турса?! Бизнинг назаримизда, у умр йўлдошига меҳр ва садоқат кўрсатишни, фарзандларини бахтиёр этишни ҳаётнинг асл мазмуни, деб билмаган кўринади. Бунинг ўрнига қайта-қайта уйланишни оддий ҳолга айлантириб олган. Унинг учун балки ҳаёт мазмуни шудир?!

Жиноят ишлари бўйича Чироқчи туман суди Ҳ.Эргашевдан 3 млн. 199 минг 177 сўм миқдоридаги алимент пулини ундириш билан бирга, унга иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда бир йил-у олти ой муддатга ахлоқ тузатиш иши жазосини тайинлади.

# Қинғир ишнинг оқибати

***Мамлакатимизда яратилган шарт-шароитлар, қонун устуворлигининг таъминланаётгани фуқароларимизга ўз иқтидорларини рўёбга чиқариш, эркин меҳнат қилиб, кўнгилдагидек даромад топиш, бу орқали эса иқтисодий имкониятларни кенгайтириш, қолаверса, юрт равнақига муносиб улуш қўшиш имконини бермоқда. Ушбу имкониятлардан қонуний асослари фойдаланаётган юртдошларимиз қўлга киритаётган муваффақиятларга мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорликлар мисолида гувоҳ бўлиб турибмиз.***

**Сардорбек ИСМОИЛОВ,**
Хоразм вилоят прокурори ёрдамчиси

Бироқ, ҳали ҳам беш бармоғини оғзига тиқишни канда қилмаётган юртдошларимизнинг ҳам борлиги ачинар-ли, албатта. Бу эса ўз навбатида, қонун ҳимоячиларини доимо сергаклик билан фаолият кўрсатишга ундайди.

Маълумки, яширин цехлар мамлакатга ижтимоий-иқтисодий зарар келтиради. Шуни ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан бундай фаолиятни фош қилиш ва чек қўйишга алоҳида масъулият билан ёндашилмоқда. Жумладан, Боғот туман ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан қўлбола усулда тайёрланган мосламалардан фойдаланиб келаётган шахсларни аниқлаш юзасидан ўтказилган тадбирда тумандаги "Маданият" қишлоғида яшовчи Эркинбой Қурбантурдиев яширин цех ташкил қилиб, қўлбола усулда пахтадан чигитни ажратиб, ёғ ва кунжара ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келаётганлиги аниқланди.

Цехдан 173 литр истеъмолга яроқсиз ёғ, 1 144 килограмм кунжара ва мойжувоз топилиб, ашёвий далил сифатида ҳужжатлаштирилди.

Маълум бўлишича, Э.Қурбантурдиев бу маҳсулотларни "Боғот пахта тозалаш" ОАЖнинг "Амударё" уруғлик чигит ивитиш шохобчаси мудири Сотимбой Мадримовдан 1 млн. 900 минг сўмга сотиб олган экан. Суд томонидан сохта тадбиркор Э.Қурбантурдиев ҳамда мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, ўзига ишониб топширилган ва ўзганинг ихтиёрида бўлган 6 млн. 910 минг сўмлик 3627 килограмм уруғлик чигитни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган С.Мадримов Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноий жавобгарликка тортилди. "Нафсим менинг балодур, ёнар ўтга соладур", дея шуни айтсалар керак-да!

Ҳа, қонун ҳимоячиларининг саъй-ҳаракатлари билан сохта тадбиркорнинг фаолияти ўз вақтида фош қилинди. Бу билан нафақат электр энергиясидан ноқонуний фойдаланишга чек қўйилди, балки сифатсиз ёғ маҳсулоти билан юртдошларимиз саломатлигига раҳна солинишига ҳам йўл қўйилмади.

Тадбиркорликнинг қонуний турлари кўп. Улардан келадиган иқтисодий фойда ҳам кам эмас. Шундай экан, бебилиска даромадни деб юрт иқтисодиётига, эл саломатлигига зарар етказиш шарт эмас-ку?! Умид қиламизки, юқорида келтирилган мисол бошқаларга ҳам сабоқ вазифасини ўтайди.

# Фаровонлик омили

***Иш билан бандлик — муҳим макроиқтисодий мезон ҳисобланиб, жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий омилларини ўзида жамлайди. Жамиятда фойдали меҳнат билан банд аҳоли қанчалик кўп бўлса, халқнинг турмуш даражаси ва фаровонлиги ошади.***

**Бахтиёр ОТАЖОНОВ,**
Когон шаҳар прокурори

Ана шу мақсадда Когон шаҳар ҳокимлиги, шаҳар прокуратураси ҳамда Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказидаги ҳамкорликда меҳнат бозори ярмаркаси ўтказилди.

Бунда энг аввало, аҳоли бандлигини ва шу асосида унинг даромадлари ва турмуш даражасини ошириш, ишга жойлашишга муҳтож, иш билан банд бўлмаган, билиб-билмай жиноят содир этиб жазони ўтаб чиққан шахслар, суд ҳукми билан жазо чораси кечиктирилган ва ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилинганлар, шунингдек, вояга етмаган фарзандлари таъминоти учун алимент тўлаётган ижтимоий фойдали меҳнатга лаёқатли шахслар, узоқ муддат давомида республикадан ташқарида бўлиб қайтган, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар суҳбатидан ўтган ҳамшаҳарларимиз ва бошқа тоифадаги ишсиз фуқаролар иштирок этди.

Иш билан банд бўлмаган фуқаролар сонини мумкин қадар камайтириш мақсадида меҳнат ярмаркасида шаҳар ҳудудида фаолият кўрсатаётган 78 та йирик ва ўрта корхона, ташкилот ва муассасалар 530 дан ортиқ бўш иш ўринлари билан қатнашдилар.

Меҳнат ярмаркасида 48 нафар шахсга ишга жойлашиш учун йўлланмалар, 218 нафарига меҳнат қонунчилиги бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Когон шаҳар ҳокимлиги ва прокуратураси ташаббуси билан "KNAUF" Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси ҳамкорлигида шаҳардаги иш билан банд бўлмаган фуқаролардан Россия Федерациясидан қайтган ва касб мутахассислиги бўлмаган ёшларни касбга тайёрлаш мақсадида қисқа муддатли ўқув курслари ташкил қилинди. Унда қўшма корхонада ишлаб чиқарилаётган қурилиш материалларини уй-жойларни таъмирлашда, бино ва иншоотларда ишлатиш усуллари ва тартиби ўргатилмоқда. Касбга тайёрлаш ва сертификат билан таъминлаш тўлиқ қўшма корхона ҳисобидан амалга оширилиши кўзда тутилган.

# Аёллари эъзозланган юрт

***Аёл — нозик ҳилқат, бетакрор мўъжиза, гўзаллик, меҳр-муҳаббат тимсоли. Аёлларсиз ҳаётимизни тасаввур қилиб бўлмайди. Улар хонадонимиз чироғи, нафақат бугунги кунимизнинг мазмуни, балки эртанги кунимиз давомчилари, келажак авлоднинг яратувчиларидир.***

**Аҳмаджон ТЎХТАСИНОВ,**
Бош прокуратура бошқарма прокурори

Аёллари соғлом юртнинг фарзандлари баркамол, келажаги нурафшондир. Бу борада мамлакатимиз хотин-қизларига ҳавас қилса арзийди. Бугун аёлларимиз нафақат оилада яхши бека ёки меҳрибон она, балки жамиятимизда ҳам етук мутахассис, ўз касбининг устаси сифатида олдинги сафларда меҳнат қилишмоқда. Бу эса аёлнинг жамиятда ўз ўрнини топиши — унинг ҳаётдан мазмун ва қувонч топиб яшаётганидан далолатдир.

Шу маънода Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш борасида эътирофга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, жамиятда сиёсий, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги ва тараққиёти аёлларга, ёшларга, оилага бўлган муносабат ва эътиборга боғлиқ. Юртбошимиз аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва ролига юқори баҳо бериб, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, хотин-қизларимизнинг билимдон, замонавий мутахассис, малакали касб эгалари бўлишлари ҳамда соғлом ва мустаҳкам оила қуришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, биринчи навбатда, соғлом бола туғилиши ва уни тарбиялаш, оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий эътиборидаги энг устувор вазифа эканлигига алоҳида эътибор қаратмоқда. Маълумки, миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, шубҳасиз, оиланинг, унда эса аёлнинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки, инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи бўлиб оила бағрида ва она тарбияси билан шаклланади.

Соғлом она — соғлом бола, соғлом бола — соғлом келажак, демакдир. Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш йўлида барпо этилган ва замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган диагностика, скрининг ва перинатал марказлари бугун ҳар жиҳатдан соғлом авлодни тарбиялаш имконини бермоқда. Бу саъй-ҳаракатларнинг самарасида бугун юртимиз хотин-қизлар учун қулай шароитлар яратиш ва оналикни муҳофаза қилиш борасида дунё мамлакатлари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Бу йўналишда мамлакатимизда яратилган миллий тизим дунёнинг кўплаб ривожланган давлатларида намуна сифатида ўрганилаётир.

Мамлакатимиз аёлларини эъзозлаган юрт сифатида халқаро ҳамжамиятнинг хотин-қизларнинг ҳуқуқларини кафолатлашга қаратилган халқаро ҳужжатларининг иштирокчисидир. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ташкилий ва тарғибот чора-тадбирлари дастури тузилди. Ушбу дастурда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларга тўлиқ мос ҳолда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, уларнинг оила, жамият ва давлат қурилишидаги вазифаларни ҳал этишдаги ўрни ва нуфузини мустаҳкамлаш мақсадида хотин-қизлар билан доимий ишлайдиган комиссия тузилди. Хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш аҳволини мунтазам равишда ўрганиш ва баҳолаш, уларнинг оила, жамият ва давлат қурилишидаги вазифаларни ҳал этишдаги ролини ошириш, иш билан таъминлаш, ишга жойлаштиришга ҳар томонлама кўмаклашиш, аёллар тадбиркорлигининг турли шаклларини ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга, хотин-қизлар нодавлат нотижорат ташкилотларининг мамлакатнинг ижтимоий, сиёсий ҳаётида, халқаро хотин-қизлар ҳаракатидаги фаол иштирокига кўмаклашишга қаратилган тадбирларни тайёрлаш ва амалга ошириш ушбу комиссиянинг асосий вазифаси қилиб белгиланди.

Аёлларимизнинг жамият ҳаётидаги фаоллиги ҳақида сўз юритар эканмиз, Юртбошимизнинг: "Тан олиш керакки, аёллар бандлиги ҳақида сўз юритганда, биз одатда хотин-қизларнинг меҳнати асосан таълим соҳасида, аввало, боғча ва мактабларда, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимида, енгил ва озиқ-овқат саноати, қайта ишлаш тармоқлари каби анъанавий йўналишларда, маданият ва санъат соҳасида кўпроқ талаб этилади, деб ҳисоблашга ўрганиб қолганмиз... Кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилиш ва технологик янгилаш бўйича амалга ошираётган кенг кўламли ислоҳотларимиз натижасида иқтисодиётнинг автомобилсозлик, микробиология, фармацевтика, электрон ва электротехника саноати, ахборот-коммуникация технологиялари, сервис ва бозор иқтисодиёти хизматлари каби юқори технологияларга асосланган замонавий тармоқларида ҳам хотин-қизларнинг ҳиссаси тобора ортиб бормоқда", деган фикрларини келтириб ўтишни жоиз билдик.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ҳам йил сайин ортиб бормоқда. Энди улар барча соҳаларда ўзларининг салоҳиятларини намойиш этиб, ўз билим ҳамда маҳоратини давлат ва жамиятнинг ривожланиши, баркамол авлод тарбияси учун тасарруф этган ҳолда, мамлакатимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Шу ўринда, баҳор фаслининг бошланишида кенг нишонланадиган байрамлардан бири бўлган 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни арафасида турибмиз. Албатта, бу байрам мамлакатимизда ўзгача тараддуд билан қарши олиниши барчамизга маълум. Фурсатдан фойдаланиб, барча оналаримизни, опа-сингилларимизни, хотин-қизларимизни нафосат байрами билан чин кўнгилдан табриклаймиз.

# Меҳр-муҳаббат ва гўзаллик тимсоли

*/Давоми. Бошланиши 1-бетда/*

**Норбўта ҒОЗИЕВ,**
«Ниқоқ»

Инсоният тарихи шундан далолат берадики, ҳар бир халқнинг маданий даражаси хотин-қизларга бўлган муносабати билан белгиланади. Бизнинг диёримизда аёлга бўлган муносабат ҳамиша ўрнак бўларли даражада бўлган. Чунки миллий менталитетимиз, тарбиямиз шундай. Тўмарису Бибихонимнинг авлодлари, Нодирабегиму Увайсийнинг зурриётлари бугун биз билан елкадош бўлиб туришибди.

Аёл ва истиқлол, аёл ва жамият, она ва миллат... Бу сўзларнинг замирида кенг кўламли фалсафа мавжуд. Аёл яратувчи: у дунёга фарзанд армуғон этиб, келажакни, миллатни яратади. Шарқ тафаккур хазинасида: "Агар эркакка таълим-тарбия берсанг, бир кишини тарбия қилган бўласан, аёлга таълим-тарбия берсанг, бутун миллатни тарбиялаган бўласан", деган битик бор.

Мутахассисларнинг фикрича, фарзанд илк ҳаётий билимининг 80 фоизини онадан олар экан. Ҳа, биз меҳр-муҳаббат ва одамийликнинг илк сабоқларини азиз оналаримиздан, уларнинг бешигимиз узра парвона бўлиб айтган алла оҳангларидан олганмиз. Қалбимизда неки олижаноб туйғулар бўлса, уларнинг барчаси, аввало, оналаримиздандир. Дунёда муқаддас деган сўзга энг муносиб зот ҳам Онадир. Шу боис, токи ҳаёт бор экан, биз мўътабар она сиймоси олдида доимо бош эгиб, таъзим қиламиз.

Ҳадиси шарифда ҳам "Жаннат оналар оёғи остидадир", деб бежиз айтилмаган. Улар бизни фақат дунёга келтирибгина қолмай, оқ ювиб, оқ тараб, меҳру ардоқ билан улғайтирадилар. Ютуқларимиздан қувониб, шод-хуррам чоғларимизда қувончимизга шерик, бошимизга мушкул иш тушганда, оғир дамларда тасалли берувчи суянчимиз ҳамдир. Фарзандининг иқболидан, бахту саодатидан дунёда онадан ортиқ қувонадиган зот йўқ. Улар ана шу қувончга етиш, фарзандларининг орзу-ҳавасини кўришга бутун умрини бағишлайдилар, тунларни бедор, кунларни беҳаловат ўтказадилар. Демакки, ҳар биримизнинг камолимизда, шубҳасиз, волидаи муҳтарамаларимизнинг ҳиссаси беқиёс. Шундай экан, биз уларга ҳар қанча эҳтиром айласак, иззат-икром кўрсатсак оз. Зеро, она, аёл — бир қўлида бешикни, бир қўлида дунёни тебратувчи табаррук зот.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда аёлларга бўлган юксак ҳурмат-эътибор ва ғамхўрликнинг амалий исботи сифатида хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги роли ва таъсирини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Оила, Аёллар, Соғлом авлод, Она ва бола, Обод маҳалла, Сиҳат-саломатлик, Баркамол авлод ва Соғлом бола йиллари муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурлари, кўплаб фармон ва қарорлар айни шу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Халқимизнинг эзгу орзуси бўлмиш ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказишда "Соғлом она — соғлом бола" дастури доирасида перинатал ва скрининг марказлари, минглаб қишлоқ врачлик пунктларининг ташкил этилгани, ихтисослаштирилган шифохоналар ҳамда шошилинч тиббий ёрдам хизматидан иборат замонавий тизим яратилгани, аҳолининг, биринчи навбатда, аёлларнинг соғлиғини асраш ва мустаҳкамлаш йўлида қўйилган тарихий қадам бўлди. Шундай саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, мустақиллик йилларида оналар ва болалар ўлими уч марта камайди, аёлларнинг ўртача ёши 67 ёшдан 75 ёшга кўтарилди.

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг ҳокимият ва бошқарув идоралари, вакиллик органлари фаолиятида, тадбиркорлик ва фермерлик соҳасида муносиб иштирокини таъминлаш, ўз қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариши учун имкониятлар яратиб берилмоқда. Айниқса, тадбиркорлик, ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш борасида олиб борилаётган ишлар тобора кўпроқ самара бермоқда.

Ҳуқуқ-тартибот органларида аёлларнинг хизмат қилишлари, айниқса, алоҳида фидойиликни талаб этади. Баъзида бир жиноятни очиш илинжида ҳаловатдан кечишга, тунларни тонгларга улашга тўғри келади.

Муҳтарама онахонлар, азиз опа-сингиллар! Мамлакатимизда кўклам таровати, меҳр-муҳаббат ва нафосат байрами шукуҳи кезиб юрган айни кунларда Сизларга толеингиз баланд, ризқу насибангиз зиёда, бағрингиз бутун, оилангиз тинч, гўзаллик ва меҳр-муҳаббат доимо ёр бўлсин, деймиз.

# Адолат қонун устуворлиги билан ўлчанади

/Давоми. Бошланиши 1-бетда/

**Шуҳрат АКБАРОВ,**
Жиззах вилоят прокурори

Биринчи даражали тўловларнинг амалга оширилиши ҳамда нақд пул тушуми прогноз кўрсаткичларининг тўғри белгиланиши ва амалда бажарилиши бевосита вилоят прокуратураси ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарларининг алоҳида назоратига олинган бўлиб, соҳага масъул бўлган раҳбар ходимларга нисбатан қатъий прокурор назорати ҳужжатларининг қўлланилиши ўз самарасини бермоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, нақд пул тушумига бевосита масъул бўлган Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси, банк муассасалари, ҳокимликлар ҳузуридаги пул-кредит сиёсати комиссияси ҳамда Давлат солиқ инспекцияси раҳбарлари ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан қараб, нақд пул тушумига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларга прогноз кўрсаткичларини нотўғри белгилаб келишган. Натижада режалар ойма-ой бажарилмаган, оқибатда иш ҳақи, пенсия ҳамда бошқа ижтимоий тўловлар муддатида тўланмаган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг аралашуви билан хўжалик юритувчи субъектларга режаларнинг реал белгиланиши таъминланди ва нақд пул тушумига эга субъектлар рўйхати ишлаб чиқилиб, уларнинг манбаларига аниқлик киритилди. Қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш ҳамда айбдор шахсларнинг интизомий жавобгарлик масаласини қатъий ҳал этиш юзасидан вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ҳудудий пул-кредит сиёсати комиссиясига ва Марказий банкнинг вилоят бошқармасига тақдимнома киритилди. Тақдимнома барча тижорат банклари раҳбарлари иштирокида муҳокама қилиниб, пенсия тўловларини ва бюджет ташкилоти ходимларининг иш ҳақларини тўлаб беришни кечиктирган 28 нафар банк раҳбари интизомий жавобгарликка тортилди. Тақдимномага асосан шунингдек, вилоят пул-кредит сиёсати комиссиясининг қарори билан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаган Жиззах шаҳар, Бахмал, Ғаллаорол, Зомин ва Жиззах туман ҳокимларининг ўринбосарлари — ҳудудий пул-кредит сиёсати комиссияси раислари интизомий жазо олишди. Йил сўнггига қадар жами 88 млрд. 538 млн. сўмлик биринчи даражали ижтимоий тўловлар, шу жумладан, 52 млрд. сўмлик бюджет ташкилотларининг иш ҳақи, 5 млрд. 900 млн. сўмлик нафақа ҳамда 30 млрд. 582 млн. сўмлик пенсия тўловлари банклар томонидан тўлиқ тўлаб берилди.

Прокуратура органлари томонидан кўрсатилган амалий ёрдамлар натижасида газ филиаллари томонидан аҳолининг қарзини ундириш бўйича фуқаролик судларига жами 40639 та ва улгуржи истеъмолчилардан 2 млрд. 30,6 млн. сўмни ундириш ҳақида хўжалик судига 195 та ариза киритилди. Ваколатли идораларга эса 16 та тақдимнома киритилди. 2 нафар мансабдор шахс қонунбузилишига йўл қўймаслик хусусида огоҳлантирилиб, айбдорлардан 4 млн. сўм зарар ихтиёрий ундирилди.

Бундан ташқари, прокуратуранинг ташаббуси билан аҳоли хонадонларида истеъмол қилинаётган электр энергияси ҳисобининг аниқ юритилишини таъминлаш мақсадида Жиззах шаҳрининг "Заргарлик" маҳалласидаги кўп қаватли уйларнинг 500 та хонадонига электрон ҳисоблагичлар ўрнатилиши йўлга қўйилди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, ҳал этиш ва фуқаролар қабулини ташкил этиш соҳасидаги ишлар ҳам тегишли қонун ҳужжатлари асосида олиб борилди. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг бевосита прокуратура органларига ишончи ортганлиги натижасида мурожаат этиш кўрсаткичлари ортган. Аризаларни кўриб чиқиш учун бошқа муассасаларга юбормасдан, бевосита прокуратурада ҳал қилишга эътибор кучайтирилди. Бу даврда келиб тушган мурожаатларнинг 4365 таси прокуратура органларида ҳал қилиниб, бу кўрсаткич 2013 йилга нисбатан 1292 тага ёки 42 фоизга ортган. Бу даврда прокуратура органларига мурожаат қилган фуқаролардан 1239 нафарининг бузилган ҳуқуқлари тикланган.

Фуқароларнинг ариза, шикоят ва мурожаатлари юзасидан ўтказилган текшириш натижаларига кўра мансабдор шахсларнинг 81 та ноқонуний ҳужжатига протест келтирилди. Ваколатли идораларга 42 та тақдимнома киритилди. 80 нафар мансабдор шахс интизомий, 86 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди. Аниқланган зарарнинг 110,7 млн. сўми айбдорлардан ихтиёрий ундирилиб, судларга 922,7 млн. сўмни ундириш ҳақида 161 та даъво аризаси киритилди. Келгусида қонунбузилиши ҳолатларининг олдини олиш мақсадида 66 нафар мансабдор шахс расман огоҳлантирилди.

"Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун ижроси корхона, муассаса ва ташкилотларда, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда, назорат-текширув идораларида, маҳаллий ҳокимликлар ва ўзини ўзи бошқариш органларида текширилганда, амалга оширилган ишлар билан бир қаторда, жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги маълум бўлди. Жумладан, 155 та объектда ўтказилган текширишлар натижасига кўра 556 тадан ортиқ мурожаатни кўриб чиқишда қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланиб, ваколатли идоралар раҳбарларига 47 та тақдимнома киритилди. Прокурорларнинг протестлари асосида 16 та ноқонуний ҳужжат бекор қилинди, 9 нафар шахс қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантирилиб, мансабдор шахсларнинг 43 нафари интизомий ва 13 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди. Текшириш натижалари бўйича 67 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Бевосита вилоят прокуратурасининг ташаббуси билан 64 та коллеж ва 205 та мактабдаги ошхоналар фаолиятини тиклаш ҳисобидан 269 та ҳамда автоуюшмаларда 112 та иш ўрни ташкил этилди. Қишлоқ жойларида эса 582 та янги иш ўрни яратилди.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган ишлар кўлами ҳам йил сайин ошиб бормоқда. Амалий ишлар самарасида 39 нафар тадбиркорга 1,3 млрд. сўм кредит олиб берилишида, 9 нафарига фермер хўжалиги ташкил қилиш учун 308 гектар ер майдони ажратилишида, 63 нафарини рўйхатдан ўтказишда, 47 нафарига фаолият олиб бориш учун рухсатнома ва 35 нафарига эҳтиёт қисмлар олиб берилишида, 34 нафарига 308 млн. сўм ҳақдорлигини ундириб беришда ёрдам кўрсатилди, 2003 нафар тадбиркорга ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Тадбиркорларнинг молиявий-хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашиш, уларга тўсқинлик қилиш, мурожаатларини кўриб чиқмаслик каби қонунбузилишларга йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан ҳам тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилмоқда. Масалан, Жиззах шаҳар ҳокимлиги савдо, хизмат кўрсатиш ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти бошлиғи Д.Худойқулов 11 нафар тадбиркорни рўйхатдан ўтказишда ортиқча ҳужжат талаб қилганлиги ҳамда 3 нафар тадбиркордан белгиланган миқдордан 144 минг 156 сўм ортиқча йиғим олганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилди.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш ва фаолиятининг амалдаги қонунчилик асосида ташкил қилинишини доимий назоратга олиниб, мутасадди идораларни жалб қилган ҳолда иш олиб борилмоқда. Жумладан, Жиззах туман ҳудудида рўйхатдан ўтмасдан тадбиркорлик билан шуғулланиб келаётган фуқаролар билан учрашувлар ўтказилиб, уларга тадбиркорлик субъектлари учун яратилган қулай шарт-шароитлар ва имтиёзлар ҳақида тушунтириш берилди. Натижада уларнинг 229 нафари тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилиб, қонуний фаолиятини бошлади.

Ўтган "Соғлом бола йили"да вилоят прокуратураси органлари томонидан вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш мақсадида ҳамкорликда йил мобайнида 35 маротаба бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказилиб, уларда 2772 та корхона ва ташкилотлар ўзларининг мавжуд бўш иш ўринлари билан иштирок этишди. Меҳнат ярмаркаларида 897 нафар битирувчи ишга жойлаштирилиб, 1297 нафарига меҳнат қонунчилиги бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. 988 нафар битирувчига тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун банклардан 4,7 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилиши таъминланди.

Битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида тузилган уч томонлама шартномаларнинг қонунийлиги ўрганилганда, айрим камчиликлар кўзга ташланди. Масалан, Жиззах туман маиший хизмат ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи битирувчиси А.Рашидов билан фаолияти тугатилган "Тоштемир ота боғбон" фермер хўжалиги ҳамда О.Турғунов билан "Фаридбек файз" хусусий корхонаси ўртасида уч томонлама шартномалар тузилган.

Бу борада ўтказилган текширишлар натижасига кўра 85 та ғайриқонуний ҳужжатларга протестлар келтирилиб, аниқланган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 60 та тақдимнома киритилди. 96 нафар шахс қонунбузилишига йўл қўймаслик хусусида огоҳлантирилиб, 273 нафари интизомий, 7 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, маҳаллий бошқарув ҳамда ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат ташкилотлари ҳамда бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда, кенг жамоатчиликни жалб қилган ҳолда жиноятчиликнинг олдини олиш борасида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режаси асосида ҳар бир ҳудудда тарғибот тадбирлари ўтказиб борилмоқда. Учрашувларда оммавий ахборот воситалари, шунингдек, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда.

Тадбир

# Азалий қадриятларимизнинг амалий ифодаси

***Мустақиллик йилларида юртимизда кўплаб миллий анъаналаримиз тикланиб, янада ривожлантирилмоқда.***

2001 йил 29 августда "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуннинг қабул қилингани улкан ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этди. Мазкур қонун билан озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларини қўллаш доираси кенгайтирилди, яраш институти жорий этилди. Ўтган йиллар давомида бу институт имкониятларидан минглаб фуқаролар, оилалар баҳраманд бўлди. Энг муҳими, институт самарадорлиги инобатга олиниб, унинг доираси кенгайтирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида ярашилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш институтини такомиллаштириш масалаларига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий конференцияда шулар ҳақида сўз юритилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар либераллаштириш сиёсати ижтимоий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлиб, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва инсонпарвар фуқаролик жамиятини шакллантиришга ижобий таъсир кўрсатганини таъкидлашди. Зеро, халқимизга хос бағрикенглик, кечиримлилик каби қадриятларнинг қонунларимизда ўз ифодасини топгани фуқароларни фақат эзгуликка бошламоқда. Энг муҳими, у жамиятда ўзаро ҳурмат, ҳамжиҳатлик, аҳиллик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаб, юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, яраш институти жамиятда судланганлик ҳолатини камайтирибгина қолмай, унинг оқибатларини бартараф қилиш имконини бераётир. Қолаверса, айбга иқрор бўлишни рағбатлантираётган мазкур самарали ҳуқуқий институт ортиқча суд-тергов ҳаракатлари ва у билан боғлиқ харажатларга ҳам барҳам берди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий суд, Адвокатлар палатаси, Тошкент Давлат юридик университети, Бош прокуратура Олий ўқув курслари, Ички ишлар вазирлиги тегишли хизматлари ва олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари иштирок этган тадбирда ярашганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтининг аҳамияти, мазкур институтни қўллашнинг процессуал жиҳатлари ҳамда суд-тергов амалиётида ярашув институтини қўллаш билан боғлиқ муаммолар ва уларни бартараф этиш чоралари каби масалалар таҳлил қилинди. Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритишни назарда тутувчи жиноий-ҳуқуқий ҳамда жиноят-процессуал нормаларни такомиллаштириш, уларни амалиётда қўллаш самарадорлигини оширишга доир бир қатор таклифлар ишлаб чиқилди.

**Ўз мухбиримиз**

# Қасддан банкротлик учун жавобгарлик



***Мамлакат иқтисодий салоҳияти ўсишида хусусий мулкчиликка асосланган тадбиркорлик фаолиятининг ўрни салмоқлидир. Шу боис, тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш, уларнинг фаолиятига салбий таъсир этаётган ҳар қандай тўсиқларни бартараф этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.***

Соғлом ва барқарор ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, тадбиркорлик субъектларига янада қулайлик яратиш, инвестиция жозибадорлигини ошириш, ушбу йўналишдаги ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, корхоналарнинг иқтисодий фаровонлигига салбий таъсир кўрсатаётган нуқсонларни тизимли равишда ўрганиб бориш прокуратура органларида кенг йўлга қўйилган. Ушбу йўналишдаги ўрганишлар давлат томонидан берилаётган имтиёзлардан ғараз мақсадларда фойдаланиб, шартномавий мажбуриятларни бажармасдан, тегишли солиқ ва мажбурий тўловларни амалга ошармасдан, кредиторлар ва таъсисчиларнинг ишончини суиистеъмол қилиб келаётган қўштирноқ ичидаги тадбиркорлар ҳам учраб туришини кўрсатди.

Ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида қабул қилинган ҳамда 2014 йил 5 сентябрь куни матбуотда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига, шунингдек, "Банкротлик тўғрисида"ги Қонунга тегишли ўзгартишлар киритилди.

Эндиликда якка тартибдаги тадбиркор томонидан ёки юридик шахснинг мансабдор шахси, муассиси (иштирокчиси) ёхуд мол-мулкининг мулкдори томонидан шахсий манфаатларини ёки бошқа шахсларнинг манфаатларини кўзлаб содир этилган қасддан банкротликка олиб келиш, яъни тўловга қобилиятсизликни қасддан юзага келтириш ёки ошириш, ушбу якка тартибдаги тадбиркорнинг ёки юридик шахснинг барқарор иқтисодий ночорлигига (банкротлигига) олиб келса, кредиторларга зарар етказилишига сабаб бўлса, маъмурий, ушбу қилмиш кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса жиноий жавобгарликка тортишга асос бўлади.

Бунда етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги Жиноят кодекси 181[1]-моддасининг 2-қисмида белгилаб қўйилган.

"Банкротлик тўғрисида"ги Қонуннинг 3-моддаси нормасидан, яъни пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини тўла ҳажмда бажаришга қодир бўлмаган қарздор хўжалик суди томонидан банкрот (иқтисодий ночор) деб эътироф этилишидан келиб чиқадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган ушбу ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мақсади — ташкилотнинг иқтисодий барқарорлигини, кредиторлар олдидаги мажбуриятларнинг бажарилишини, ишчиларнинг бандлигини, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўланишини таъминлашга ва энг асосийси, қонунчиликда ушбу соҳада мавжуд бўлган ҳуқуқий бўшлиқни тўлдиришга қаратилган.

Юқоридаги фикрнинг исботи сифатида Жиноят кодексининг 180 ва 181-моддаларида фақат сохта банкротлик ва банкротликни яширганлик учун жавобгарлик белгиланганлигини, корхонани қасддан банкротлик ҳолатига олиб келганлик учун эса жавобгарлик мавжуд бўлмаганлигини келтириш мумкин.

Бундан ташқари, 2013 йилнинг 14 августига қадар сохта банкротлик ҳамда банкротликни яшириш аломатларини аниқлаш борасида ҳам ҳуқуқий бўшлиқ мавжуд эди.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслари, "Банкротлик тўғрисида"ги Қонунида ўз аксини топган ҳуқуқий нормаларни тўлақонли амалга ошириш механизми сифатида прокуратура органлари томонидан "Сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш қоидалари"нинг лойиҳаси ишлаб чиқилганлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 августдаги қарори билан тасдиқланганлиги бу йўналишдаги қонунни қўллашда айни муддао бўлди.

Ушбу қоидаларда "қарздор", "тўлов қобилияти", "тўловга қобилиятсизлик", "била туриб берилган ёлғон маълумот", "банкротликни яшириш", "қасддан банкротликка олиб келиш" тушунчаларига таъриф берилишидан ташқари, солиқ органлари ходимлари ва суд бошқарувчилари томонидан сохта банкротлик, банкротликни яшириш, шунингдек, қарздорни қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш тартиблари ҳам ўз аксини топган.

Эндиликда хўжалик суди томонидан тайинланадиган суд бошқарувчиси ҳамда Давлат солиқ инспекциялари ходимлари зиммасига қарздорнинг молиявий-хўжалик фаолиятида сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш вазифаси юклатилган. Қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб эътироф этилган ҳамда тугатишга доир иш юритиш бошлангандан кейин, қарздор учун мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган ёхуд унинг хатти-ҳаракатларини бошқача тарзда аломатлаш имкониятига эга бўлган шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари асосида банкротлик келтириб чиқарилишини тахмин қилиш асослари мавжуд бўлганда амалга оширилади.

Бунда юридик шахснинг банкротлиги юридик шахс учун мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган ушбу юридик шахснинг муассиси (қатнашчиси) ёки мулкдори томонидан фақат агар у кўрсатиб ўтилган ҳуқуқдан юридик шахс томонидан бунинг оқибатида юридик шахснинг банкротлиги бошланишини олдиндан билган ҳолда юзага келтирилган хатти-ҳаракатлар содир этиш мақсадида фойдаланган бўлса, қасддан банкротликка олиб келиш деб ҳисобланади.

Корхона ҳақиқатдан ҳам қасддан банкротлик ҳолатига олиб келингани юридик шахснинг муассиси (қатнашчиси), мулкдори ёхуд раҳбари томонидан қуйидаги хатти-ҳаракатлар содир этилганлигида ифодаланади:

— пул маблағларидан ва бошқа мол-мулкдан қарздорга қасддан зарар етказган ҳолда жиноий тарзда фойдаланиш;

— тўлов интизомини бузиш ва шартнома мажбуриятларини бажармаслик;

— мол-мулкни баланс қийматидан паст нархда сотиш ёки уни текин бериш;

— муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзларни ундириш бўйича белгиланган муддатларда чора-тадбирлар кўрмаслик;

— асосий фаолиятга (ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишга) жалб этилган қарздор активларининг 50 фоиздан ортиғини бошқа шахсларга бериш;

— ижро этувчи орган ва (ёки) кузатув кенгаши томонидан тегишли равишда уларнинг ваколатига кирмайдиган йирик битимлар тузиш.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, банкротлик масаласини янада такомиллаштиришга қаратилган ушбу ҳуқуқий механизм корхоналарнинг маблағлари ва мол-мулкидан оқилона фойдаланишга, корпоратив бошқарувни бозор иқтисодиёти талабларига таянган ҳолда янги поғонага олиб чиқишга хизмат қилади. Бундан ташқари, иш ўринларини сақлаб қолиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, муддати ўтган кредитор ва дебитор қарздорликларнинг олдини олиш, ҳисоб-китоб интизомини яхшилаш, шартномавий мажбуриятларни ўз вақтида бажариш, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўланиши борасида корхона раҳбарлари ва мулкдорларининг масъулиятини оширади.

**Дилшод РАҲИМОВ,**
Бош прокуратура Матбуот хизмати прокурори

*Жараён*

# Фаолиятимизнинг устувор вазифаси

***Мамлакатимизда Юртбошимизнинг бевосита ташаббуси ҳамда раҳнамолигида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар самараси сифатида барча соҳаларда юксалишлар кузатилмоқда. Эндиликда ҳуқуқий демократик давлатнинг бош тамойили қонун устуворлиги эканлигини ҳар бир фуқаро англаб етмоқда.***

Ўтган йилда департаментнинг Бухоро вилоят бошқармаси томонидан давлатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналиши бўлмиш тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Фаолиятимизда устувор йўналиш сифатида белгиланган турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида профилактика, қонунчилик тарғиботи ишлари кучайтирилди, тадбиркорларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш, турли тўсиқ ва суиистеъмолликларга барҳам бериш юзасидан таъсирчан чоралар кўрилди.

Қонунчиликда тақиқланмаган ишлаб чиқариш билан яширин равишда шуғулланаётганларни аниқлаш, уларнинг ноқонуний фаолиятига барҳам бериш ва солиқ тўловчи сифатида қайта рўйхатдан ўтказиб, фаолиятига қонуний тус бериш, шунингдек, очиқ мулоқотлар давомида тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган фуқароларга тушунтиришлар орқали қўшимча иш ўринлари яратиш учун лозим бўлган ҳуқуқий чоралар кўрилди. Шунингдек, ҳуфиёна иқтисодиётга, тадбиркор ниқоби остида ноқонуний фаолият юритиб, носоғлом рақобат муҳитига барҳам бериш орқали тадбиркорларнинг қонуний манфаатлари муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилди. Муқаддам ноқонуний фаолият юритган, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлганлардан 317 тасига ҳуқуқий ёрдам ва маслаҳатлар берилиши натижасида 343 та янги иш ўрни яратилди, 7 та ишлаб чиқариш цехи фаолиятига қонуний тус беришга кўмаклашилди.

Қонунийликни мустаҳкамлаш йўлида олиб борилган тадбирлар натижасида аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан 213 та жиноят ва 8 та маъмурий ишлар қўзғатилди. Бюджетга 34 млрд. 173 млн. сўм қўшимча маблағлар ҳисобланиб, 14 млрд. 308 млн. сўмининг ундирилиши таъминланди.

Бундан ташқари, хорижий валюталарни ноқонуний муомалага киритиш ва уларни айирбошлаш билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олиш ҳамда бундай ноқонуний фаолият билан шуғулланаётган шахсларни фош этиш юзасидан олиб борилган тадбирлар натижасида 24 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, улардан ноқонуний муомалада бўлган 68 минг 600 Россия рубли, 61 минг 620 АҚШ доллари, 560 евро ва 183 млн. 700 минг сўмнинг давлат ҳисобига ўтказилиши таъминланди.

Ҳуфиёна иқтисодиётга қарши курашиш, истеъмолчиларга сифатсиз маҳсулотлар сотилишининг олдини олиш бўйича ўтказилган тадбирларда 35 та яширин ишлаб чиқариш фаолиятига барҳам берилди. Ҳуқуқбузарлардан муомалага киритиш мақсадида тайёрланган 240 млн. сўмлик сифатсиз маҳсулотлар, хомашё ва ускуналар олиб қўйилиб, ушбу ҳолатлар бўйича жавобгарлик масаласи ҳал этилди.

Вилоят аҳолисига биринчи даражали тўловларнинг тўланиши аҳволи ўрганилиб, тезкор тадбирлар натижасида 67 млрд. 658 млн. сўмлик нақд пулларнинг банкдан ташқари айланмаси аниқланди. Ушбу ҳолатлар бўйича 79 та жиноят ва 3 та маъмурий ишлар қўзғатилиб, айбдорларга нисбатан ҳуқуқий чоралар кўрилди.

Ўтган йил давомида коррупция ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда унинг олдини олишга қаратилган тадбирларнинг тўғри йўлга қўйилиши натижасида тамагирлик йўли билан пора олганлик, шунингдек, товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилганлик ҳолатлари бўйича жами 13 та жиноят иши қўзғатилиб, уларга нисбатан қонуний чоралар кўрилди.

Мамлакатимизда ўтган йиллар давомида иқтисодий ислоҳотларнинг ўта муҳим соҳаларида қўлга киритилган муваффақиятлар, авваламбор, тадбиркорлик фаолиятига, кичик ва ўрта бизнесга кенг имкониятлар яратилаётганлиги, улар фаолиятининг янада эркинлаштириш натижаси десак, асло хато бўлмайди. Шундан экан, қонуний тадбиркорлик фаолиятини юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини доимо ҳимоя қилиш фаолиятимиздаги устувор вазифалардандир.

**Агзам МАРДИЕВ,**
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Бухоро вилоят бошқармаси бошлиғи

# Хуфиёна иқтисодиётга йўл йўқ

***Ҳар қандай давлатнинг иқтисодий ривожланишига тўсиқ бўлувчи омиллардан бири хуфиёна иқтисодиётдир. Спирт, алкоголли маҳсулотлар ва акциз солиғи солинадиган товарларнинг бошқа турларини ишлаб чиқариш ва сотишни тартибга солиш юзасидан кўрилаётган чоратадбирларга қарамасдан уларни яширин ишлаб чиқариш, ноқонуний равишда муомалага киритиш ҳолатлари ҳамон учрамоқда.***

**Фаррух ТОШПЎЛАТОВ,**
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚҚ департаменти Матбуот гуруҳи катта инспектори

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Олмазор туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда ана шундай яширин тарзда фаолият юритувчи, енгил даромад йўлини топишга қизиққан ҳуқуқбузарнинг қилмишига чек қўйилди.

Фуқаро Сафар Туримов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) даръол бойиб кетиш режасини тузди. Шу боис, сифатини кафолатловчи ҳужжатлари бўлмаган, хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган, акциз маркасиз спиртли ичимликларни номаълум кимсалардан сотиб олиб, фойда кўришни кўзлади ва 6 млн. сўмлик сифатсиз маҳсулотни қайта муомалага киритмоқчи бўлган пайтда фаолиятига чек қўйилди.

Алкоголли маҳсулотлар давлат санитария-эпидемиология назорати маркази лабораториясида синовдан ўтказилганда истеъмолчиларнинг соғлиғи учун зарарли эканлиги аён бўлди ва Сафар Туримовга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Яширин равишда ишлаб чиқариш фаолиятининг яна бир кўриниши — қўлбола усулда ёки маиший шароитда озиқ-овқат маҳсулотларига қайта ишлов бериб, бирор-бир ишлаб чиқарувчининг ёрлиғи остида муомалага киритиш бўлиб, ҳуқуқбузарларнинг бундай хатти-ҳаракатлари нафақат давлат манфаатларига зарар етказиш, балки кишилар саломатлигини хавф остига қўйиб, истеъмолчилар ҳуқуқларининг камситилишига ҳам олиб келмоқда.

Фуқаро Акбар Мақсудов аҳолининг истеъмол маҳсулотларига талаби кун сайин ортиб бораётганини ҳисобга олиб, хуфиёна тарзда картошкадан "чипс" тайёрлайдиган яширин цехни ишга туширди. Шукрки, унинг қиғир иши узоққа чўзилмади. Департаментнинг Олмазор туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда ҳуқуқбузарнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларига чек қўйилди. Яширин цехдан тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар, уларни пиширишда ишлатиладиган қўлбола дастгоҳлар топилиб, ҳужжатлаштириб олинди. Давлат санитария-эпидемиология назорати марказида лаборатория синовидан ўтказилган бу хомашёлар истеъмолчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермаслиги аниқланди.

Суд томонидан А.Мақсудовга нисбатан тегишли жазо тайинланди.

Давлатимиз конунлари тадбиркорликни, қўшимча даромад топишни тақиқламайди. Аммо бундай фаолият давлат ва халқ манфаатларига зид бўлмаслиги керак.

# Тамагирнинг сўнгги манзили

***Мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга устувор вазифа сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соҳа равнақи учун етарли ҳуқуқий асослар, шарт-шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Бироқ айрим кимсалар ҳам борки, улар мансабларидан фойдаланган ҳолда мўмай даромад орттириш илинжида тамагирлик қилишмоқда.***

**Малик БОБОЕВ,**
СВОЖЖДЛҚҚ департаментининг Ширин шаҳар бўлими бошлиғи

Дарҳақиқат, порахўрлик, тамагирлик — хавфли иллат, жамият юзига тушган доғ. Жамиятимизда бу каби чиркин иллатларга қарши кескин кураш олиб борилаётгани барчага бирдек аён. Жиноятга эса жазо муқаррар. Нафс балосига йўлиқиб, тамагирликка ружу қўйганларнинг кирдикорлари фош этилмоқда ва улар қилмишлари учун қонун олдида жавоб бермоқдалар.

Ширин шаҳар бош архитектори бўлмиш Нозим Алибеков (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳамда мутахассис вазифасида фаолият кўрсатган Аниса Ганиева эндигина ўттиз ёшни қаршилаган ёшлар. Ўттиз баҳор — умрнинг навқирон фасли. Куч-ғайрати, билими бор бу ёшларнинг келажаги, яхши кунлари олдинда эди. Агар масъулиятни чуқур ҳис этиб, ҳалол ишлаганларида хизмат пиллапояларидан кўтарилишлари, мартабалари янада ошиши мумкин эди. Бироқ улар тамагирлик дардига мубтало бўлишди ва алал-оқибат шаънларига доғ туширишди.

Гап шундаки, Н.Алибеков А.Ганиева билан жиноий тил бириктириб, пора олиш ва тамагирлик жиноятини содир этган. У фуқаро С.Дилмуродовдан укасига аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қуриш учун 3200 квадрат метр ер майдони ажратиш ва бу ҳақда ҳоким қарорини чиқартириб бериш эвазига 200 минг сўм пул талаб қилиб, тадбиркор С.Шерматовдан пора тариқасида олган.

Н.Алибековнинг жиноий хатти-ҳаракатлари шу билан тугамайди. У хизмат мавқеидан фойдаланиб, тадбиркор сифатида фаолият юритишни ният қилган Л.Самановнинг чўнтагига "тўр" ташлайди. Унга ҳам бўш ер майдонидан "Автошоҳбекат" ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун 0,8 гектар ер майдони ажратиб бериш эвазига 1000 АҚШ доллари талаб қилади ва 460 минг сўм нақд пул, 60 минг сўмлик дори-дармонни шахсан ўзи, 200 АҚШ долларини эса хизмат хонасида А.Ганиева орқали, қолган 500 АҚШ долларини Л.Самановнинг амакисидан А.Ганиева воситачилигида олаётган пайтда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан ушланиб, унинг жиноятини фош қилинди.

Нафсига эрк бериб, ноқонуний йўл билан бойлик орттириш мақсадида мансаб ваколатини суиистеъмол қилган Н.Алибеков ҳамда унинг жиноий шериги А.Ганиевага суд томонидан тегишли жазо тайинланди.

# Ноқонуний фаолият оқибати

***Ҳалоллик, поклик ҳар қандай ишнинг муваффақиятини таъминлайди. Аммо, орамизда бундай хислатлардан узоқ бўлган кимсалар ҳам борки, бундайлар мавжуд қонунларга чап бериб, кўча-кўйда, турли жойларда хорижий валюта айирбошлаш орқали бойлик орттиришни ўзларига "касб" қилиб олганлар. СВОЖЖДЛҚҚ департаменти ходимлари томонидан валюта бозорини эркинлаштиришга қаратилган норматив ҳужжатлар ижросини таъминлаш, ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва ноқонуний хатти-ҳаракатларни фош этиш борасида ўтказилаётган тезкор тадбирларда ана шундай қонунбузилиши ҳолатларини содир этаётган кимсаларнинг фаолиятига чек қўйилмоқда.***

**Бахтиёр ИНОГАМОВ,**
СВОЖЖДЛҚҚ департаментининг Тошкент вилоят бошқармаси бўлим бошлиғи

Валютафурушлик ортидан бойлик орттиришни мақсад қилган Рўзивой Исматов, Амирбек Равшанов ва Босимжон Дониёровлар (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ўзаро жиноий тил бириктириб, фуқаро Моҳира Хўжаевага Зангиота туманида жойлашган "Бек Барака" савдо маҳмуаси ҳудудида 17 минг 400 АҚШ долларини 43 млн. 512 минг сўмга сотаётган вақтда департаментнинг Тошкент вилоят бошқармаси ходимлари томонидан ашёвий далиллар билан ушланиб, жиноятлари фош этилди.

Қиғир йўл билан ноқонуний даромад орттиришни кўзлаб, эгри манзил сари отланган устамонларнинг фаолияти узоққа чўзилмади.

Халқимизда "Етти ўлчаб, бир кес", деган нақл бор. Ушбу нақлга амал қилмай, ўйламасдан қўйилган биргина қалтис қадам киши бошига оғир ташвишларни солиши мумкин. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, юқорида номлари қайд этилган кимсаларнинг қилмишлари охир-оқибат ўзларини қора курсига ўтиришга мажбур қилди. Суд қонунбузарларга нисбатан ўзининг одилона ҳукмини ўқиди.

Юқоридаги ҳолат ҳаётда ҳуқуқ ва бурчини тўла англамаган ёки аксинча қонунга зид фаолият билан шуғулланаётган инсонларга сабоқ бўлиши керак.

# Умри қисқа бизнес

***Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш борасидаги ислоҳотларни янада ривожлантиришда солиқ ва валютага оид жиноятлар, коррупция, хуфиёна иқтисодиётга қарши курашиш муҳим аҳамият касб этади.***

**Бахтиёр НОРМЎМИНОВ,**
СВОЖЖДЛҚҚ департаментининг Яккасарой туман бўлими бошлиғи

Хусусан, иқтисодиётимизга ўзининг салбий таъсирини кўрсатаётган хорижий валюта билан боғлиқ ноқонуний олди-сотдиларга департамент томонидан ўтказилаётган тадбирларда барҳам берилмоқда. "Қора бозор"да ноқонуний муомалага киритилаётган чет эл валютасининг манбалари аниқланиб, бу фаолият билан шуғулланаётган кимсаларнинг қилмишлари фош этилаётир.

Чунончи, ўтказилган тадбирларнинг бирида фуқаролар Акбар Гиёсов, Расул Салимов ва Абдулла Раимов (исм-фамилиялар ўзгартирилган)ларнинг ноқонуний фаолиятларига чек қўйилди. Пойтахтимиздаги кафеларнинг бирида валюта олди-сотдиси билан шуғулланувчи валютафурушлар фуқаро Динара Илясовага 14 минг 200 АҚШ долларини 41 млн. 900 минг сўмга сотаётган вақтда СВОЖЖДЛҚҚ департаментининг Яккасарой туман бўлими ходимлари томонидан ушландилар.

Валютафурушларнинг қилмишларига жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман суди ҳуқуқий баҳо бериб, ҳукм чиқарди. Унга кўра, А.Гиёсов, Р.Салимов ва А.Раимовлар энг кам ойлик иш ҳақининг юз баробари миқдорида жарима тўлайдиган бўлишди. Уларга тегишли 14 минг 200 АҚШ доллари эса давлат ҳисобига ўтказилди.

# Архивдаги товламачи

**Рашид АҲМЕДОВ,**
СВОЖЖДЛҚҚ департаментининг Жиззах вилоят бошқармаси бўлим бошлиғи

***Архив бўлимида архивариус бўлиб ишловчи Бекзод Яхшибоев товламачилик билан пул ишламоқчи бўлди. Аммо, бунинг уддасидан чиқолмади. Асли булунғурлик бу йигит Жиззах шаҳрида яшар, олий маълумотли бўлгани боис, уни мазкур вазифага лойиқ кўриб, ишга қабул қилишган эди. Лекин у нафсининг йўриғига юриб, ўз келажагига болта уриб қўйди.***

Кунларнинг бирида унинг ёнига "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Мирзачўл туман кенгаши раиси Э.Акрамов кенгашнинг икки йиллик ҳужжатларини архивга топшириш учун келди-ю, Б.Яхшибоев ушбу вазиятдан фойдаланиб қолмоқчи бўлди. У ҳужжатларни архивга қабул қилиш, тиклаш, жилд қоплаб бериш, аниқроғи, ўзининг хизмат вазифаси доирасига кирадиган ишни бажариш эвазига раисдан 290 минг сўм беришни товламачилик билан талаб қилди. Иши тез битишини ўйладими, Э.Акрамов бу таклифга рози бўлди. Унинг олдидан чиққач эса, бироз ўйланиб туриб, архивариуснинг ушбу талаби қонунларга зид эканини тушунди ва тегишли жойга мурожаат қилди.

Б.Яхшибоев вилоят архиви биносидаги хизмат хонасида мижоздан "келишилган" пулни олаётган вақтда департаментнинг Жиззах вилоят бошқармаси ходимлари томонидан қўлга олинди. Товламачидан олинган пуллар холислар иштирокида ашёвий далил сифатида ҳужжатлаштирилди.

Архивариус Б.Яхшибоевнинг қилмишига яраша суд томонидан қонуний жазо тайинланди. Унга кўра, бу кимсага ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат фойдасига ушлаб қолган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди. Шу билан бирга, у 1 йил-у 6 ой муддатга барча архив бўлимларида ишлаш ҳуқуқидан ҳам маҳрум этилди.

# Чекловнинг ҳуқуқий асоси ва мақсади

***Кундалик турмушда жуда кўплаб масалалар билан тўқнаш келамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки инсон яшайдиган жамият борки, ҳар сонияда турли хил воқеа-ҳодисалар рўй бериб туради. Бу, биринчи галда, инсоннинг интилишлари, ҳаётда нимагадир эришиш учун қилаётган саъй-ҳаракатлари натижаси ҳисобланади. Лекин бундай интилишларни тартибга солиш, жамиятда тартиб-интизомни, одамларнинг бир-бирларига нисбатан ўзаро ҳурмат ҳиссини, жамият равнақини таъминлаш мақсадида ўзига хос қонун-қоидалар, ахлоқ меъёрлари ҳам амал қилади.***

**Толиб ТЎРАЕВ,**
Бош прокуратура бошқарма катта терговчиси
**Дониёр ХАЛИЛОВ,**
ҳуқуқшунос

Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб мамлакатимизда ҳам юртимиз ривожини таъминлашга қаратилган қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилиниб, ижтимоий тараққиёт, халқаро меъёрлар талаблари даражасида янада такомиллаштириб борилмоқда.

Ҳар қандай жамиятнинг иқтисодий тизими мулкчиликка асосланади. Юртимизда ҳам мустақилликдан сўнг мулкка бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Турли хил мулк шакллари юзага келди. Ҳар бир шахснинг мулкдор бўлишга ҳақли эканлиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида алоҳида белгилаб қўйилди. Албатта, ҳар қандай мулк ўз-ўзидан эмас, балки ҳар кимнинг меҳнат фаолияти, тадбиркорлик, шу жумладан, молмулкни яратиш, кўпайтириш, битимлар асосида қўлга киритиш, давлат мол-мулкини хусусийлаштириш, мерос қилиб олиш ва бошқа шу каби қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа асослар билан вужудга келади. Бу жиҳатлар ўз навбатида ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик кодекси, "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги, "Гаров тўғрисида"ги, "Ипотека тўғрисида"ги, "Ижара тўғрисида"ги Қонунлар шулар жумласидандир. Ўз навбатида, мазкур қонунлар мамлакатда қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган бўлиб, ушбу муносабат иштирокчилари мулкчилик борасида ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан фойдаланганда ўзганинг қонуний манфаатига путур етказмаслиги лозим. Қонун мулкий муносабатлар иштирокчиларига ҳуқуқ ва эркинлик бериш билан бирга, ўзига хос мажбуриятларни ҳам юклайди. Автотранспорт воситаларидан фойдаланиш, уни ўзга шахсга ўтказишни тақиқлаш ва унга арест солиш шулар жумласидандир. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг 2006 йил 27 июндаги қўшма қарори билан тасдиқланган "Автомототранспорт воситаларини хатлаш, бошқа шахсга беришни тақиқлаш ва тақиқни олиб ташлаш, шунингдек автомототранспорт воситаларини хатлаш ва бошқа шахсга беришни тақиқлаш тўғрисидаги маълумотларнинг ҳужжатлаштирилган банкини шакллантириш тартиби тўғрисида"ги Низом талаблари фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш чора-тадбирларини кучайтиришга қаратилган бўлиб, мазкур Низом талабларига кўра, суд, прокурор, терговчи ёки суриштирувчи, суд ижрочилари ҳамда давлат нотариал идораси нотариуслари автотранспорт воситаларини бегоналаштиришни тақиқлаш ва уни хатлаш ваколатига эга бўлган мансабдор шахслар тоифасига киради.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодекси (ФПК)нинг 248-249-моддалари талабларидан келиб чиққан ҳолда, суд ўз ташаббуси ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризаси бўйича даъвони таъминлаш мақсадида автотранспорт воситаларини бегоналаштиришни тақиқлаш ёки унга арест солиш чораларини кўриши мумкин.

ФПКнинг 248-моддасида даъвони таъминлаш асослари, 249-моддада эса даъвони таъминлаш чоралари қайд қилинган. Хусусан, ФПКнинг 248-моддаси талабига кўра, суд (судья) ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризасига биноан ёки ўзининг ташаббуси билан даъвони таъминлаш чораларини кўриши мумкин. Даъвони таъминлаш чораларини кўрмаслик суд чиқарган ҳал қилув қарорининг ижросини қийинлаштирса ёки уни бажариб бўлмайдиган қилиб қўйса, даъвони таъминлашга йўл қўйилади.

Ҳакамлик судида кўриб чиқилаётган даъвони таъминлаш чоралари ҳакамлик муҳокамаси тарафининг даъвони таъминлаш тўғрисидаги аризасига биноан ҳакамлик суди жойлашган ердаги ёхуд жавобгар жойлашган ердаги ёки яшайдиган жойдаги ёинки жавобгарнинг мол-мулки турган жойдаги суд томонидан кўрилиши мумкин. Даъвони таъминлаш тўғрисидаги аризага даъвонинг ҳакамлик судига тақдим этилганлигини исботловчи далиллар илова қилинади.

Суд даъвони таъминлаш чораларини кўрар экан, бунда ФПКнинг 249-моддасида қайд қилинган қуйидаги чоралардан бирини қўллаши мумкин:

1) жавобгарга тегишли бўлган ва унинг ўзида ёки бошқа шахсда турган мол-мулк ёхуд пул суммасини хатлаш;

2) жавобгарнинг муайян ҳаракатларни амалга оширишини тақиқлаш;

3) бошқа шахсларнинг жавобгарга мол-мулк беришини ёки унга нисбатан бошқа мажбуриятларни бажаришини тақиқлаш;

4) мол-мулкни хатлашдан чиқариш тўғрисида даъво қўзғатилган тақдирда, уни сотишни тўхтатиш;

5) агар қарздор ижро ҳужжати юзасидан даъво тартибида низолашаётган бўлса ва бундай низолашишга қонун ҳужжатларида йўл қўйилса, бу ҳужжат бўйича ундирувни тўхтатиш.

Зарур ҳолларда суд даъвони таъминлаш чорасининг бир неча турини қўллаши мумкин, лекин уларнинг умумий суммаси даъвонинг баҳосидан ошиб кетмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси (ЖПК)нинг 290-моддасига мувофиқ, суд ҳукмининг фуқаролик даъвоси қисмини, шунингдек, бошқа мулкий тусдаги ундирувларни таъминлаш мақсадида, суд гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва фуқаровий жавобгарга тегишли бўлган автотранспорт воситасини хатлаши шарт.

Бундан ташқари, Хўжалик-процессуал кодекси (ХПК)нинг 76-77-моддалари талабларидан келиб чиққан ҳолда, хўжалик суди ишда иштирок этаётган шахсларнинг аризасига кўра, автотранспорт воситаларини бегоналаштиришни тақиқлаш ёки унга арест солиш чораларини кўришга ҳақли.

ХПКнинг 76-моддаси талаби бўйича, даъвони таъминлашга, агар шундай чораларни кўрмаслик суд ҳужжатининг ижросини қийинлаштириши ёки бажариб бўлмайдиган қилиб қўйиши мумкин бўлса, хўжалик судлов ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида йўл қўйилади.

Даъвони таъминлаш тўғрисидаги ариза тушганидан кейинги кундан кечиктирмасдан низони ҳал этаётган хўжалик суди томонидан кўрилади.

Ҳакамлик судида кўриб чиқилаётган даъвони таъминлаш чоралари ҳакамлик муҳокамаси тарафининг даъвони таъминлаш тўғрисидаги аризасига кўра, ҳакамлик суди жойлашган ердаги ёхуд жавобгар жойлашган ердаги ёки яшайдиган жойдаги ёинки жавобгарнинг мол-мулки турган жойдаги суд томонидан ариза хўжалик судига келиб тушганидан кейинги кундан кечиктирмасдан, тарафларни хабардор қилмаган ҳолда кўрилиши мумкин. Даъвони таъминлаш тўғрисидаги аризага даъвонинг ҳакамлик судига тақдим этилганлигини исботловчи далиллар илова қилинади.

Аризани кўриш натижалари бўйича ажрим чиқарилади. Даъвони таъминлаш ёки таъминлашни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиниши мумкин. Даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят бериш ушбу ажрим ижросини тўхтатиб турмайди.

Прокурор, терговчи ва суриштирувчи эса ҳукмнинг фуқаролик даъвоси, шунингдек, бошқа мулкий тусга эга бўлган қисми ижросини таъминлаш мақсадида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва фуқаровий жавобгарга тегишли бўлган автотранспорт воситасини хатлаши шарт.

Мулкни бегоналаштиришни тақиқлаш ёки хатлаш тўғрисидаги ҳужжатни қабул қилган суд шу куннинг ўзидаёқ автотранспорт воситаси давлат рўйхатига олинган мулкдор яшайдиган жойдаги автотранспорт воситаларини бегоналаштиришни тақиқлаш ёки хатлаш борасидаги маълумотлар базасини юритадиган давлат нотариал идорасига автотранспорт воситасига тақиқ қўйилганлиги (хатланганлиги) тўғрисидаги хабарга шу ҳақдаги ҳужжат нусхасини, шунингдек, бу ҳақда тегишли давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматига ёзма маълумот беради.

Прокурор, терговчи, суриштирувчи эса ҳудди шу тартибда мулкдор яшайдиган жойдаги маълумотлар базасини юритадиган давлат нотариал идорасига автотранспорт воситаси хатланганлиги тўғрисида қабул қилган қарори нусхасини юборади, шунингдек, бу ҳақда тегишли давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматига ёзма маълумот беради.

Суд ижрочиси "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддаси талабидан келиб чиққан ҳолда, мулкий ундирувлар бўйича ундирувчининг аризасига биноан ёки ўз ташаббуси билан мулкий ундирув бўйича ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисида қарор чиқариш билан бир вақтда, қарздорнинг мол-мулкини рўйхатга олиб, уларни хатлашга ҳақли бўлади ва бу ҳақда мазкур қарорда кўрсатиб ўтади.

Мазкур қонуннинг 23-моддасига кўра, суд ижрочиси ижро ҳужжатини суд ёки бошқа органдан ёхуд ундирувчидан (агар ижро ҳужжатини ижрога топшириш муддати ўтмаган ва мазкур ҳужжат ушбу қонуннинг 8-моддасида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлса) ижро учун қабул қилиб олиши ва ижро иши юритишни қўзғатиши шарт. Агар қонун ҳужжатларида ижро ҳужжатларининг айрим турларига мажбурий иловалар назарда тутилган бўлса, улар суд ижрочисига ижро ҳужжати билан бирга тақдим этилиши керак.

Суд ижрочиси ижро ҳужжатини олган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисида қарор чиқаради.

Суд ижрочиси ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисидаги қарорда ижро ҳужжатидаги талабларни ихтиёрий равишда бажариш учун ижро иши юритиш қўзғатилган кундан эътиборан кўпи билан беш кун муддат белгилайди ва қарздорни мазкур муддат тугаганидан кейин ижро ҳужжатидаги талаблар ундан ижро йиғими, суд ижрочиси томонидан қарздорга солинган жарималар, шунингдек, ижро харажатлари ундирилган ҳолда мажбурий ижро этилиши тўғрисида хабардор қилади. Суднинг жарима тариқасида жазо тайинлаш тўғрисидаги ҳукми асосида берилган ижро варақаси бўйича ижро иши юритиш қўзғатилганда, уни ихтиёрий равишда ижро этиш Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 19-моддасида белгиланган муддатларда амалга оширилади.

Ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисидаги қарор нусхаси у чиқарилган куннинг эртасидан кечиктирмай ундирувчига, қарздорга, шунингдек, ҳужжати ижро этилиши лозим бўлган суд ёки бошқа органга юборилади.

Булардан ташқари, нотариуслар ҳам "Нотариат тўғрисида"ги Қонуннинг 23-моддаси талабидан келиб чиққан ҳолда, автотранспорт воситаларини гаровга қўйиш назарда тутилган битимлар бўйича ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда автотранспорт воситасига тақиқ қўйиши ва уни олиб ташлаши мумкин. Бинобарин, мазкур қонуннинг 31-моддасида белгиланган қоидага мувофиқ, манфаатдор шахс тасдиқлашни сўраётган ҳуқуқ ёки факт устида даъволашиш учун судга мурожаат қилиш истагидаги бошқа манфаатдор шахснинг аризасига кўра, нотариал ҳаракатни амалга ошириш кўпи билан ўн кунга кечиктирилиши мумкин. Агар бу муддат ичида ариза тушганлиги ҳақида суддан маълумот олинмаса, нотариал ҳаракат амалга оширилиши лозим.

Нотариус гаров мулкини тасдиқлаш билан бирга, гаров мулки ҳисобланган автотранспорт воситасини бегоналаштиришга тақиқ қўйиб, бу ҳақда автотранспорт эгасининг доимий яшаш жойидаги маълумотлар базасини юритадиган давлат нотариал идорасига хабар бериб, ДЙХХХга маълумот юборади.

Мулкни бегоналаштиришга белгиланган тақиқни ва хатловни бекор қилиш бу ҳақда қарор қабул қилган орган ва унинг мансабдор шахси томонидан қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Агарда автотранспорт воситасини бегоналаштиришга белгиланган тақиқни ва хатловни бекор қилган орган ва унинг мансабдор шахсининг қарорида тушунмовчилик бўлса, маълумотлар базасини юритувчи давлат нотариал идораси нотариуси қайд қилинган орган ва унинг мансабдор шахсларига уларнинг қарори моҳиятини тушунтириб бериш ҳақида мурожаат қилишга ҳақли. Шу билан бирга, ушбу нотариал идоралар Алфавит китоб бўйича автотранспорт воситаларини бегоналаштиришни тақиқлаш ёки хатловни бекор қилишнинг ҳолатини доимий равишда кузатиб боришлари лозим. Бегоналаштиришни тақиқлаш ёки хатлов муддати тугаши билан автотранспорт воситаларини бегоналаштиришни тақиқлаш ёки хатлаш тўғрисида қарор қабул қилган орган ва мансабдор шахс томонидан ушбу тақиқ (хатлов)ни бекор қилиш ҳақида хабар қилинмаган ҳолларда, автотранспорт воситаси эгаси ёки унинг вакилининг асослантирилган аризасига кўра маълумотлар базасини юритувчи нотариал идора тақиқ (хатлов-)ни бекор қилиш хусусида маълумот беришни сўраб, уни белгилаган органларга мурожаат юборади.

Суд, прокурор, терговчи ёки суриштирувчи, суд ижрочилари ва давлат нотариал идораларининг нотариуслари томонидан келадиган барча хабарлар алоҳида тартибда юритилиб, бегоналаштиришни тақиқлаш ёки хатлаш борасида давлат адлия органларида ДЙХХХ билан биргаликда, қўшимча равишда ушбу маълумотларнинг электрон базаси юритиб борилади.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, бу каби тадбирларнинг белгиланиши, энг аввало, фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришларида бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари поймол этилмаслигига, жамият ва давлат манфаатларига путур етказилишининг олдини олишга қаратилгандир. Зеро, қонунлари устувор юртда барча қонун олдида тенгдир.

# Тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга оид қонунчилик ижросини таъминлаш

***Мустақиллик туфайли тадбиркорликка кенг йўл очилиб, соҳани янада ривожлантириш, кенг шарт-шароитлар яратиш ва ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкам ҳимоя қилишга қаратилган ислоҳотлар иқтисодий ўсишнинг муҳим кафолати бўлмоқда.***

**Адҳам ОДИНАЕВ,**
Бош прокуратураниг ОЎК кафедра бошлиғи вазифасини бажарувчи

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда иҳтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида бу соҳага тўлиқ эркинлик бериш, бу йўлда ғов бўлиб турган барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш энг муҳим устувор вазифа эканлиги яна бир бор таъкидланди.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини самарали таъминлаш прокуратура органлари назорат фаолиятининг муҳим вазифаларидан биридир. Шу билан бирга, бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат органлари ва масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштиришга, мазкур соҳадаги қонунчиликнинг аниқ ва сўзсиз ижросини таъминлашга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Бош прокуратура томонидан ташкил этилган "Тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга оид қонунчилик ижросини таъминлаш масалалари" мавзусидаги видеоконференция ҳам мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда тадбиркорликка оид қонунлар ижросини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш механизмларини янада такомиллаштириш масалаларига бағишланди.

Тадбирда Бош прокуратураниг Олий ўқув курслари профессор-ўқитувчилари, тингловчилари, Олий хўжалик суди, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ, божхона ва Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмиталари, Марказий банк, Савдо-саноат палатаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг "UZINFOCOM" маркази ходимлари ва кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Видеоконференцияда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлардаги тадбиркорлар, Савдо-саноат палатаси, банк, солиқ, божхона, адлия бошқармалари, хўжалик суди ҳамда прокуратура ходимларидан беш юз нафарга яқин иштирокчи қатнашиб, улар бевосита масофали тарзда мазкур мавзу доирасида фикр алмашиш имкониятига эга бўлдилар.

Видеоконференцияда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ҳамда ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қанчалик даражада муҳим аҳамият касб этиши ҳақида атрофлича тўхталиб ўтилди. Шунингдек, мазкур соҳадаги қонунчилик базасини доимий равишда мониторинг қилиб бориш ва уни бугунги кундаги реал иқтисодий секторлардаги ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш ҳам тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг асосий омилларидан бири сифатида эътироф этилди.

Шу билан биргаликда, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашда банклар томонидан хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан имтиёзли ва кам фоизли кредитлар ажратилаётганлиги, шунингдек, йилдан-йилга солиқ ставкалари камайтириб борилаётганлиги ҳамда жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида тадбиркорларга етарлича қулайликлар яратиш мақсадида турли хил интерактив хизматлар жорий этилаётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Видеоконференцияда қатнашган ҳар бир иштирокчи мазкур тадбир натижасида ўзининг фаолияти учун зарур бўлган маълумот ва хулосаларга эга бўлди. Кун тартибидаги долзарб масалалар ҳамда мавжуд муаммоларни ечишга қаратилган таклиф ва тавсиялар эса тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашда ижобий натижаларга эришишга хизмат қилади.

# Қонун лойиҳаси муҳокама қилинди

***Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Олий суд судьялари, Олий суд ҳузуридаги Илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари, Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.***

Мажлисда мамлакатимизда миллий қонунчилик асослари инсон манфаатларига мос тарзда такомиллашиб бораётгани таъкидланди. Замон талабидан келиб чиқиб қонунчиликнинг сифати ва таъсирчанлигини оширишга оид изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу жараёнда Олий суд томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига мувофиқ қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда суд-ҳуқуқ тизимини, соҳага оид қонунчиликни такомиллаштиришга доир қатор қонун лойиҳалари тайёрланмоқда ва тегишли тартибда парламент муҳокамасига киритилмоқда.

Мажлисда "Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси муҳокама этилди.

Маълумки, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг кенг жорий этилаётгани аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига интерактив хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириш билан бирга судларда иш юритиш самарадорлигини ҳам ошираётир. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 2 августдаги "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, судларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга оид қарорлари муҳим дастуриламал бўлди.

Фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда "E-Sud" тажрибавий лойиҳаси йўлга қўйилиб, унда электрон шаклда судга мурожаат қилиш ва қарор нусхалари, суд чақирув қоғозлари ва бошқа ҳужжатларни электрон шаклда юбориш имкониятлари муваффақиятли синовдан ўтди.

Аммо амалдаги фуқаролик процессуал қонунчилигида судлар фаолиятида замонавий электрон воситалардан фойдаланишга оид нормалар мавжуд эмас. Шундан келиб чиқиб электрон шаклда судларга мурожаат қилиш ва иш юритиш тартибини жорий этиш бўйича "Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодексининг айрим моддаларига фуқаролик ишлари бўйича судга электрон шаклда мурожаат қилиш имкони ҳамда суд чақирув қоғозлари, суд қарорлари ва бошқа ҳужжатларни электрон шаклда юбориш назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилмоқда.

Шунингдек, пленум йиғилишида судларга электрон тарзда мурожаат қилиш тартиби жорий этилаётганлиги муносабати билан ҳамда фуқаролик суд иш юритувини янада такомиллаштириш, суд чиқимларини камайтириш, судни ўзига хос бўлмаган функциялардан халос этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодексининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳам мақсадга мувофиқлиги таъкидланди. Жумладан, кодексга киритилиши таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларда жавобгарларнинг сонига қараб ариза ва унга илова қилинадиган ҳужжатларнинг нусхаларини судга юборишни бекор қилиш, шу билан бирга, суднинг ушбу ҳужжатларни тарафларга қайта юбориш функцияларини чиқариб ташлаш, даъвогарга судга ариза ва аризага илова қилинган ҳужжатларнинг нусхаларини бошқа томонга юбориш (топшириш) ҳамда буни тасдиқловчи далилларни судга тақдим этиш мажбуриятини юклаш кўзда тутилмоқда.

Мажлисда Фуқаролик-процессуал кодексига мазкур ўзгартиш ва қўшимчаларнинг киритилиши судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, суд иш юритувини янада демократлаштириш ва такомиллаштиришга хизмат қилиши қайд этилди. Ўз навбатида бу процесс иштирокчилари харажатлари ва суд чиқимларини камайтиришга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоялашга замин яратади.

Йиғилишда мазкур қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиш юзасидан қарор қабул қилинди.

***Бугунги кунда гиёҳвандликка қаршн курашиш бўйича ташкил этилаётган узлуксиз чора-тадбирларга қарамай, бу иллат инсон саломатлиги ва ҳаёти, жамият ривожига салбий таъсир этаётган долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Айниқса, ёшлар орасида гиёҳвандлик воситаларининг турли хиллари истеъмол қилинаётганлиги оммани янада огоҳлик ва ҳушёрликка чорлаётир.***

# Истиқболдаги вазифалар белгиланди

Мамлакатимизда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, тиббиёт ва таълим муассасалари ҳамкорлигида ушбу глобал муаммолар тарқалишининг олдини олиш, ёшларни бундай иллатлардан муҳофазалаш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида "Гиёҳвандлик воситалари истеъмолининг инсон саломатлигига ва жамиятга салбий таъсири" мавзусида ўтказилган видеоконференцияда ана шу йўналишдаги ишлар муҳокама этилиб, истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги, Олий суд, Халқ таълими, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамда бошқа манфаатдор идоралар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимиз ҳудудларидаги 25 та видеостудия орқали олий ўқув юртлари раҳбарлари, уларнинг маънавий-маърифий соҳага масъул ходимлари, профессор-ўқитувчилар, мактаб, академик лицей ва коллежлар раҳбарлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги суд тиббий- экспертиза бош бюроси вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Президентимиз раҳнамолигида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш ҳамда ижтимоий фаоллигини янада ошириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимизда гиёҳвандлик ва бошқа салбий иллатларнинг жамиятимизда илдиз отишининг олдини олиш ва бундай муаммоларга қарши курашнинг самарали тизими яратилган. Ёшларнинг ушбу глобал муаммоларга қарши маънавий иммунитетини кучайтириш, маънавий дунёқарашини юксалтириш, жаҳолатга қарши маърифат руҳида тарбиялаш таълим-тарбия ишларининг узвий қисмини ташкил этади.

Таълим муассасаларида бу борадаги чора-тадбирларни амалга ошириш учун барча имкониятлар яратилган. Таълим ва ишлаб чиқариш муассасалари ўртасида йўлга қўйилган доимий алоқалар битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш, ёшлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантиришга хизмат қилаётир.

Видеоконференцияда гиёҳвандлик миаммоси, синтетик гиёҳванд воситаларнинг инсон саломатлиги ва жамиятга салбий таъсири, бундай иллатларга қарши курашнинг ҳуқуқий асослари ҳақида маърузалар тингланди. Бу борада давлат, жамоат, таълим муассасалари ҳамкорлигини янада ривожлантириш хусусида фикрлашилди.

**Ўз мухбиримиз**

*Ўша куни спиртли ичимлик таъсирида маст бўлган қишлоқдоши фуқаро Салим Жўраев билан йўловчи сифатида бир машинага чиққан Бибисаида Ваҳобова "Талимаржон-Қарши" йўналиши бўйлаб ҳаракатланаётган "Дамас"нинг орқа ўриндиғига ўтириб, йўлга отланганида бундай бўлишини сира кутмаган эди. Нима бўлди-ю, С.Жўраев у билан жой талашиб, жанжаллашиб қолди.*

# Мастлик оқибати

**Камолиддин ШЕРНАЗАРОВ,**
Нишон туман прокуратураси терговчиси

Маст одамнинг ўзини бошқара олмаслиги туфайли рўй берган тортишув тезда ҳақоратларга ва инсон қадр-қимматини камситувчи, оғизга олиб бўлмайдиган сўзларга уланиб кетди. Натижада машинада кетаётган бошқа йўловчилар безовталаниб, уларнинг тинчи бузилди. Салим ёқдираётган ҳақоратлар уларни ҳам хижолат қилди, жамоат жойида ўзини тута олмаслиги бировни ранжитиб, бировни афсуслантирди.

Машина ичида жой талашиб, жанжал кўтарган Салим Жўраев Нишон туманидаги мактаблардан бирида ўқитувчи бўлиб ишлайди. Шу туманда туғилиб-ўсган, оилали, 2 нафар фарзанднинг отаси бўлмиш С.Жўраевнинг маст ҳолатда кўчада юриши, машинада жанжал кўтариши-ю, йўловчилар олдида ўқитувчи деган улуғ номга доғ тушириши таниш-нотанишларни қаттиқ ранжитди.

Ёзнинг жазирама куни, авжи туш палласи ичилган спиртли ичимлик Салимга ёмон таъсир кўрсатди. Бисотидаги ахлоқсизлик ва дилозорликка доир бор сўзларини айтиб, қишлоқдоши Бибисаиданинг шаънига ҳақорат ёқдириши етмаганидек, тўсатдан унга ташланди. Оёқ-қўлларини ишга солиб, дўппослай бошлади. Қишлоқдошининг аёл киши эканлиги, ўзини ҳимоя қила олмаслигидан фойдаланиб, уриб, оёқлари билан тепкилай кетди. Натижада Бибисаида тан жароҳати олиб, шифохонада даволанишга мажбур бўлди.

Қилғиликни қилиб қўйган Салим Жўраевнинг ақлу ҳуши суриштирув ва терговлар жараёнида жойига келди. Бегуноҳ бир инсонга етказган моддий зарари учун 300 минг сўм жарима тўлади. Ва ундан кечирим сўради.

Жиноят ишлари бўйича Нишон туман суди ушбу ишни кўриб чиқиб, унга нисбатан ойлик иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда, 1 йил муддатга ахлоқ тузатиш жазоси тайинлади.

Юқоридаги ҳолатдан хулоса қиладиган бўлсак, аксарият ҳолларда ичкиликбозлик пировард натижада жиноятга етаклайди. Яна бир жиҳат, баъзи кишилар жабрланувчига ёрдам бериш ўрнига томошабин бўлиб турадилар. Мазкур воқеада ҳам автомашинадаги бошқа одамлар жим турмай, С.Жўраевга танбеҳ беришганида, балки у тийиларми? Афсуски, ундай бўлмади.

Нима бўлганда ҳам, жамиятимизнинг маънавий-ахлоқий меъёрларига хос бўлмаган бундай иллатлардан, хусусан, безорилик, беҳаёлик, ахлоқсизлик, ичкиликбозлик каби иллатлардан қутулиш, уларга қарши курашиш нафақат ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг, балки ҳар биримизнинг одамийлик бурчимиз эканлигини унутмаслигимиз керак.



# Кредит ортидаги ўйинлар

**Ифтихор НУРМАТОВ,**
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи ўринбосари

***Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг эркин фаолият юритишлари учун имконият яратиш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунинг самарасини ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан эл-юрт фаровонлигига ҳисса қўшаётган тадбиркорлар сафининг кенгайиб бораётганида ҳам кўришимиз мумкин. Афсуски, яратилган имкониятлар, берилаётган имтиёзлардан ғараз мақсадларда фойдаланишга, ноқонуний йўллар билан мўмай пул топишга уринаётган ва охир-оқибат суднинг қора курсисидан жой топаётган кимсалар ҳам учраб турибди.***

2006 йилнинг май ойидан "Tasviriy oyina" ижодий уюшмасининг Тошкент вилоят бўлими раиси лавозимида ишлаб келган Акрам Мамарасуловни кўпчилик уддабурон ва ташаббускор раҳбар сифатида билар эди. Шунданми, у бизнесда омадини синаб кўришга қарор қилганида ҳеч ким ажабланмади. Дастлаб "Unig" масъулияти чекланган жамиятини таъсис этиб, банкдан 600 млн. сўм кредит олишга эришган А.Мамарасулов тез орада яна бир корхона — "Unig servis" МЧЖни таъсис этади. Орадан кўп ўтмай, "Kristal design", "Mukammallik sari", "Universal design servis", "Sayram savdo servis", "Olmos favvora", "Maxi kronen trans" МЧЖларнинг ҳам норасмий раҳбарига айланади.

А.Мамарасуловнинг бевосита ва норасмий раҳбарлигидаги хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига эътибор берилса, ушбу корхоналар қандай жарангдор ном берилгани ёки асосий фаолият туридан қатъи назар, фақат банклардан кредит олиш учунгина ташкил этилгандай таассурот қолдиради. Сабаби, 3-4 йил ичида ушбу МЧЖлар томонидан турли тижорат банкларидан миллиардлаб сўм кредитлар олинган. Жумладан, "Unig" МЧЖга 600 млн. сўм, "Unig servis" МЧЖга 4 млрд. сўм, "Universal design servis" МЧЖга 200 млн. сўм, "Maxi kronen trans" МЧЖга 1 млрд. 950 млн. сўм, "Mukammallik sari" МЧЖга 970 млн. сўм, "Sayram savdo servis" МЧЖга 3 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари олинган. Бир қарашда ушбу жараёнда ҳеч бир ноқонуний жиҳат йўқдай. Яъни банклар тадбиркорлик субъектларининг яқин ҳамкори, банк кредитлари эса тадбиркорга мададкор. Бироқ...

Аввал бошданоқ сохта тадбиркорликни мақсад қилган А.Мамарасулов ўз атрофига "ишонса бўладиган" ҳамтовоқлар йиға бошлайди. Юқорида санаб ўтилган МЧЖларда раҳбар ва бош ҳисобчи бўлиб ишлаган Д.Баҳрамов, О.Ҳамидов, Б.Бегманов, Ҳ.Заиров, И.Исҳақов, Б.Бекзаков, Ф.Назаров, М.Зокиров, М.Исраилов, К.Цой, шунингдек, "In media" МЧЖ шаклидаги қўшма корхона раҳбари Ф.Ражабов, "Халқ банки"нинг Тошкент вилоят филиали амалиёт бўлими бошқарувчиси З.Атоев, кредит бўлими бошлиғи С.Ражабов, мазкур банк ҳисобчиси Ф.Бўронов ва тергов давомида шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган "Асад", "Равшан" исмли шахслардан иборат уюшган гуруҳ ташкил этади.

Уюшган гуруҳ аъзолари вазифалар тақсимоти ва жиноий режага мувофиқ иш олиб боришади. Улар ўзгалар мулкини талон-торож қилиш, ўзлаштириш каби иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар, сохта тадбиркорлик, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан бўйин товлаш каби иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш, савдо ва воситачилик фаолияти билан қонунга хилоф равишда шуғулланиш, лицензиясиз фаолият каби хўжалик соҳасидаги, шунингдек, мансаб сохтакорлиги, ҳужжатлар, штамплар, муҳр ва бланкаларни қалбакилаштириш каби жиноятларга қўл уришади.

Агар пухта режа асосида иш юритилса, банклардан олинган кредитларни нақдлаштириш мўмай пул топишнинг энг осон йўли эканига ҳамтовоқларини ишонтира олган А.Мамарасулов уюшган гуруҳнинг фаолиятига раҳбарлик қилади. Шунингдек, юқорида айтиб ўтганимиздек, сохта тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун хўжалик юритувчи субъектлар ташкил этиш, уларга "ишончли" раҳбар ва бош ҳисобчиларни тайинлаш, сохта ҳужжатлар тақдим этиш орқали банклардан кредит олиш ва уларни нақдлаштириш учун бошқа хўжалик юритувчи субъектлар билан шартномалар тузиш, товар-моддий бойликларни нақд пулга сотиб юбориш, бухгалтерия ҳисоботларига сохта маълумотлар киритиш, солиқ ва бошқа органларга қалбаки ҳужжатлар тақдим этиш, шу йўл билан жиноят изларини ёшириш каби вазифаларни зиммасига олади. Айтмоқчи, жиноий даромадларни уюшган гуруҳ аъзолари ўртасида тақсимлаш ҳам унинг ихтиёрида эди.

Мазкур уюшган гуруҳнинг барча қилмишлари ва уларнинг оқибатларига тўхталиб ўтирмай, улар томонидан 4 млрд. сўмлик кредит маблағининг қандай ўзлаштирилиши билан кифояланамиз. Шунинг ўзи ҳам уларнинг қинғир ишлари ҳақида етарлича маълумот берса керак.

2009 йилнинг бошларида А.Мамарасулов уюшган гуруҳ фаолларини ўз офисига чақириб, муҳим бир масалани ўртага ташлайди.

— Ўтган сафар маслаҳатлашганимиздай, банкдан кредитни "Unig servis" номига оламиз. Шунга тайёргарлик кўринглар, — дейди йиғилганларга А.Мамарасулов. — Кредит миқдори 4 млрд. сўмдан кам бўлмаслиги керак.

Шундан кейин банкка топширилиадиган ҳужжатлар, гаровга қўйиладиган мол-мулк, бизнес режа ҳақида келишиб олинади.

Кредит олиш учун ҳужжат тайёрлаш борасида уюшган гуруҳнинг тажрибаси катта эмасми, қисқа муддатда барчаси тахт қилинади. 2009 йилнинг 2 мартида "Ўзсаноатқурилишбанк"га кронен қопқоқ ишлаб чиқариш ускунасини сотиб олиш учун 5 йил муддатга, йиллик 10 фоиз устама ҳақ эвазига 4 млрд. сўм кредит ажратиш ҳақида ариза билан мурожаат қилишади. Ходимлар ва ускуналарни жойлаштириш учун бино ва турғун ишлаб чиқариш цехи мавжуд бўлмаса-да, аризага бизнес режа ва бошқа сохта ҳужжатлар илова қилинади. Жиноий режа иш беради. 2009 йилнинг 23 апрелида банк билан "Unig servis" МЧЖ ўртасида кредит шартномаси тузилиб, 4 млрд. сўмни ўзларига қарашли "Maxi kronen trans" МЧЖнинг ҳисоб рақамига ўтказиб олишга эришадилар. Улар Италиянинг "Sasmi Kooperativa Meccanica imola S.C." номли фирмасига тегишли кронен қопқоқ ишлаб чиқариш ускунаси 4 млрд. сўмга сотиб олингани ҳақидаги сохта ҳисоб-фактурани банкка тақдим қилишади. Аслида эса мазкур ускунанинг нархи 2 млрд. 689 млн. 550 минг сўмни ташкил этган.

Юқорида уюшган гуруҳ аъзоларига тегишли МЧЖлар томонидан банклардан олинган кредитлар ҳақида айтиб ўтган эдик. Мазкур пуллар ноқонуний ўзлаштириб юборилгани боис, уларнинг изини ёпиш, кредитни қайтариш учун "Unig servis" миллиардлари"нинг маълум қисмини ишга солишади. Шу йўл билан бошқа корхона-ташкилотлардан молиявий ёрдам учун олинган қарзлар ҳам тўланади.

Бундан кейинги олди-бердилар эса бундан-да ғалати. Уюшган гуруҳ аъзолари "Unig servis" МЧЖ номига олинган кредитдан ўзларига тегишли МЧЖлар ҳисоб рақамларига сохта шартномалар асосида пул кўчиришга киришиб кетишади.

А.Мамарасулов ўзининг раҳбарлигидаги ташкилот — "Tasviriy oyina" ижодий уюшмасининг Тошкент вилоят бўлимини ҳам унутмайди. "Unig servis" миллиардлари"дан ташкилот ҳисобига 66 млн. сўм ўтказиб, 24 млн. сўмини ташкилотнинг 2008 йилда банкдан олган кредитини ёпишга, қолганини солиқ ва суғурта компаниясидаги қарзларини тўлашга сарфлаб юборади.

Ана шундай кунларнинг бирида А.Мамарасулов ҳамтовоқларига "Равшан" исмли шахсни таништирар экан, энди пуллар у орқали нақдлаштирилишини маълум қилади. Шундан кейин турли хўжалик юритувчи корхоналарга 80 фоиз нақдлаштириб бериш эвазига пул кўчиришга киришилади ва товарсиз нақдлаштирилган 1 млрд. 650 млн. сўм пул гуруҳ аъзолари ўртасида тақсимланиб, ўзлаштирилади.

Бунга қаноат қилмаган гуруҳ аъзолари турли хўжалик юритувчи субъектлардан пул кўчириш йўли билан сотиб олинган салкам 770 млн. сўмлик товарларни пойтахтимиз бозорларида нақд пулга сотиб юборишади.

Умумлаштириб айтадиган бўлсак, 2009-2012 йиллар оралиғида уюшган гуруҳ томонидан хуфиёна иқтисодий фаолият натижасида давлат ва жамият манфаатларига салкам 11 млрд. сўм зарар етказилади. Дастлабки тергов жараёнида етказилган зарарнинг тўлиқ ундирилиши таъминланди.

Ҳеч бир жиноят жазосиз қолмайди. Уюшган гуруҳ аъзоларининг ҳар бири суд ҳукми билан тегишли жазосини олди.



# Грециягa 50 млрд. евро ёрдам

***Хориж оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, Евроҳудуд давлатлари Грециягa учинчи марта молиявий ёрдам пакетини тақдим қилишни режалаштиришмоқда. Шунингдек, унда айтилишича, Грециягa 30 млрд. евродан 50 млрд. еврогача бўлган миқдорда ёрдам маблағи ажратилиши мумкин. Мазкур ёрдамнинг 13-14 фоизи Испания ҳисобидан берилиши кўзда тутилган.***

"Греция учун Европа ҳамжамияти билан бирдамликда яшашдан кўра яхшироқ вариант мавжуд эмас. Умид қиламизки, расмий Афина Еврохудудни тарк этишга қарор қилмайди", деди испанлар.

# Уч нафар британиялик ҳибсга олинди

***Дубайда Буюк Британия фуқаролари бўлган уч нафар сайёҳ ҳибсга олинди. Улар айни вақтда Дубай шаҳридаги қамоқхонада сақланмоқда. Фужайра аэропорти яқинида туриб, самолётни суратга олишгани учун ҳибсга олинган ушбу шахслар БАА миллий хавфсизлигига таҳдид қилганликда айбланмоқда.***

Маълум қилинишича, 53 ёшли Конрад Клитерой, 45 ёшли Гари Купер ҳамда унинг ҳамроҳи Нил Мунро ҳибсда сақланмоқда.

Конрад Клитеройнинг рафиқаси турмуш ўртоғининг юраги хаста эканини, у 20 нафардан ортиқ маҳбуслар билан бир хонада туришга узоқ вақт дош бера олмаслиги мумкинлигини айтган.

Маълумот учун, БАА қонунларига кўра, маҳбуслар билан учрашиш учун 30 минг АҚШ доллари тўлаш талаб қилинади.

# Хитой раиси қиролича билан учрашади

***Хитой Халқ Республикаси раиси Си Цзиньпин қиролича Елизавета II нинг Буюк Британияга ташриф буюриш ҳақидаги таклифини қабул қилди. Бу таклиф қироличанинг Пекинга келган набираси шаҳзода Уильям томонидан Си Цзиньпинга етказилган.***



"Мен жорий йилда қироличанинг таклифига биноан Буюк Британияга ташриф буюришга умид қиламан. Буюк Британия қироллик уйи ўз юртида ва бутун дунёда катта нуфузга эга, унинг вакиллари кўп йиллар давомида хитой-инглиз муносабатларини ардоқлаб, қўллаб-қувватлаб келишмоқда", деди Си Цзиньпин.

Учрашув чоғида шаҳзода Уильям Хитой билан Буюк Британия ўртасидаги муносабатлар кўп йиллик тарихга эга эканлигини таъкидлаб ўтди.

Хитой раисининг Лондонга ташрифи саналари кейинроқ белгиланиши маълум қилинди.

# Қидирув давом этиши мумкин

***Ўтган йилнинг декабрь ойи охирида авиаҳалокатга учраган "Air Asia Indonesia" самолёти бортида бўлган йўловчиларнинг жасадларини излаш бўйича ишлар давом эттирилиши мумкин. Бу ҳақда Индонезия миллий қутқарув бошқармаси бошлиғи Хенри Бамбангга Сулистьо баёнот берган.***

"Қидирув олиб бориш бўйича операция ишларининг тақдири ҳалокат вақтида вафот этганларнинг яқинлари билан учрашувдан кейин маълум бўлади. Улар топилмаган яқинларининг жасадларини излашни сўрашмоқда", деди қутқарувчилар бошқармаси бошлиғи.

Олдинроқ Б.Сулистьо Ява денгизида самолётнинг сўнгги парчаси топилгани ва қутқарувчиларнинг икки ҳафта давомида бошқа жасадларни топа олишмагани сабабли қидирув ишлари тугатилиши борасида баёнот берганди.

Эслатиб ўтамиз, «Air Asia Indonesia» лайнери 2014 йилнинг 28 декабрида Индонезиянинг Сурабая шаҳридан Сингапурга парвоз қилган ва бир соатдан кейин ҳалокатга учраган. Самолёт бортида 162 нафар одам бўлиб, уларнинг барчаси ҳалок бўлган. Олиб борилган дастлабки қидирув ишларида 103 нафар одамнинг жасадлари денгиздан топилган эди.

# Скрипка чала оладиган робот

Скрипка чалиш нафақат робот, балки инсон учун ҳам мураккаб машғулот ҳисобланади. Ҳайратланарлиси, Америка миллий саломатлик институтининг собиқ муҳандиси Сет Гольдштейн уйида оддий скрипкани яхшигина чала оладиган роботни яратди. Ихтирочи уни "Ro-Bow" ("RObot" ва "BOW" — "таёқча", "камалак") деб атади. Бу робот скрипкани маромига етказиб чала олади. "Ro-Bow" мазкур мусиқа асбобини айрим одамлардан кўра яхшироқ чалмоқда экан. Ҳаваскорларнинг эса унга тенглашиши амримаҳол. Роботлар оламида "Ro-Bow"га рақобатчи бўла оладигани ҳали-бери топилмаса керак.

# Футбол меҳмонхонаси

***Wales Online порталининг хабар қилишича, "Манчестер Юнайтед" жамоасининг собиқ афсонаси ва ҳозирда клуб бош мураббийи ёрдамчиси лавозимида фаолият юритаётган Райан Гиггз ҳамда "МЮ"нинг 90-йиллардаги юлдузлари Пол Скоулз, Ники Батт, Гарри ва Фил Невиллар Манчестер шаҳрида футбол меҳмонхонасини очишди.***

Мазкур меҳмонхона 122 хонадан иборат бўлиб, клуб стадиони "Олд Траффорд"га жуда яқин жойлашган. Меҳмонхонанинг очилиш маросимига 800 нафар клуб мухлислари таклиф қилинган. Манбанинг таъкидлашича, меҳмонхонани барпо қилиш учун "МЮ"нинг 90-йиллардаги юлдузлари 24 миллион фунт стерлинг сарфлашган.

Ушбу меҳмонхонанинг афзалликлари шундаки, "қизил иблислар"нинг ўйин куни меҳмонхонадан жой олиши атиги 1 фунт бўлади. Жамғарилган барча маблағ эса хайрия ишларига сарфланади.

# Зилзила оқибатида йигирма киши жабрланди

***Хитойнинг жануби-ғарбий қисмида жойлашган Юньнань вилоятида содир бўлган 5,5 магнитудали зилзила оқибатида 20 киши жабрланди. Бу ҳақда Хитой марказий телевидениеси хабар берди.***

Жабрланувчилар шифохонага ётқизилган, уларнинг ҳаёти хавф остида эмас.

Зилзиланинг маркази Мьянма билан чегарадош ҳудудда бўлган. Ҳукумат табиий офатдан талофат кўрган фуқароларга мингдан ортиқ чодир ва 2 мингдан ортиқ ёпинғич жўнатган.

Юньнань вилояти Хитойнинг сейсмик фаоллиги юқори бўлган ҳудудларидан бири ҳисобланади. Бу ерда охирги йирик зилзила 2014 йилнинг августида содир бўлган. Ўшанда 600 дан ортиқ одам зилзила оқибатида қурбон бўлган эди.

# Хиллари Клинтон сайловда қатнашади

***АҚШ давлат котиби Хиллари Клинтон 2016 йилнинг апрель ойида бўлиб ўтадиган президент сайловида иштирок этишини расман маълум қилди. Маълумотларга кўра, Х.Клинтон Демократлар партиясидаги ҳомийларини сайловдаги ўз иштироки ҳақида қутилганидан ҳам аввалроқ огоҳлантирди.***



Қайд қилинишича, у ўз сайлов кампанияси учун 1 млрд. доллар ажратилишини сўрайди. Шунингдек, Х.Клинтонда ёз ойигача ўз қарорини ўзгартириш имконияти мавжуд.

Бу борада АҚШнинг амалдаги президенти Барак Обама Хиллари Клинтондан "яхши президент чиқиши" ҳақида фикр билдирган эди.

# Болакай ўзини отиб қўйди

***АҚШнинг Хьюстон шаҳрида тўрт яшар бола энагасининг уйидан топиб олган тўппонча билан ўзини отиб қўйди ва ҳалок бўлди, дея хабар бермоқда хориж матбуоти.***

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш муассасалари ходимларининг хабар беришича, боланинг онаси туғилган кунини нишонлаётгани сабабли уни яқин дугонасиникига бир кунга ташлаб кетган. Бола топиб олган тўппонча кимга тегишли бўлгани ҳозирча номаълумлигича қолмоқда. Ҳозирча бу воқеа юзасидан ҳеч кимга айблов қўйилмаган.

Бу воқеа Хьюстонда охирги кунларда рўй берган иккинчи ҳолат бўлди. Ўтган жума куни уч ёшли боланинг онаси сумкасини очиқ ҳолда қолдирганча, бошқа хонага бир неча дақиқага чиқиб кетган пайтда бола сумка ичидаги тўппончани олиб, ўзини отиб қўйганди.

Шунингдек, январь ойида АҚШнинг Тарпон-Спрингс шаҳрида икки ёшли бола ота-онасининг автомобили ичидан топиб олган тўппончадан ўз кўкрагига ўқ узиши оқибатида ҳалок бўлган. Ундан бир неча кун олдин эса Канзас-Сити шаҳрида яна бир бола уйидан топиб олган тўппончадан 9 ойлик укасини отиб қўйган.

*Интернет хабарлари асосида тайёрланди*

AFC CHAMPIONS LEAGUE

# Ҳимоядаги хатолар панд бермоқда

*Осиё чемпионлар лигасининг 1-турида мамлакатимизнинг тўртта клуби умумий ҳисобда 7 очко жамғарган бўлса, 2-тур ўйинлари жамоаларимиз учун бироз омадсиз бошланди.*

3 март санасида юртимизнинг энг кўркам стадионида "қалдирғочлар" Эроннинг "Персеполис" клубига қарши майдонга чиқишди. Аввалги тур баҳсларида юртимизга меҳмон бўлган форс жамоалари ортларига қуруқ қўл билан қайтишганди. "Пахтакор" ва "Насаф" клублари Эрон чемпионатининг етакчи жамоалари — "Нафт" ҳамда "Тракторсози" клубларини бир хил (2:1) ҳисобда мағлуб этишни уддалашганди. Айни дамда ўз чемпионатида омади келмаётган "Персеполис" жамоаси эса Тошкентдан уч очко билан қайтадиган бўлди.

Учрашув майдон эгаларининг ҳужумкорлиги билан бошланди. Аммо ҳужумларни гол билан якунлашда Сергей Лушан шогирдларига аниқлик етишмади. Аввалги иккита ўйинда стандарт вазиятлардан унумли фойдалана олган "Бунёдкор" клуби вакиллари бу гал шундай имкониятларни кўкка совуришди. Майдон эгаларининг жарима ва бурчак зарбаларини рақиблар қийинчиликсиз бартараф этишни уддалашди. Учрашувдаги дастлабки гол урилишига яқин бўлган зарба меҳмонлар футболчиси томонидан ижро этилди. Ўйиннинг 15-дақиқаларида Фарненд Габриел олис масофадан жуда хавфли зарба йўллади. Орадан беш дақиқа ўтиб эса "Бунёдкор" дарвозаси томон 11 метрлик жарима зарбаси белгиланди. Артём Филипосян ўз жарима майдончаси ичида меҳмон жамоа ҳужумчисига қарши бироз эҳтиётсизлик билан ҳаракат қилиб, пенальти белгиланишига сабабчи бўлди ва ҳисоб очилди. Ўша ҳолатда ҳимоячиларнинг бироз сусткаштлиги ўйин тақдирини ҳал қилди.

Ўз дарвозасидан гол ўтказиб юборган майдон эгалари биринчи бўлимнинг ўзида ҳисобни тенглаштириш ҳаракатига тушиб қолишди. Ўйиннинг 31-дақиқасида "қалдирғочлар" томонидан чинакамига хавфли ҳужум уюштирилди. Бироқ ҳал қилувчи зарбани берган Элдор Шомуродовга бироз аниқлик етишмади.

Ўз майдонида мағлуб бўлишни истамаган "Бунёдкор" клуби аъзолари иккинчи бўлимни шиддатли ҳаракатлар билан бошлашди. Аммо рақиблар ҳимояда тартибли ўйин намойиш қилиб, майдон эгаларининг гол уришга бўлган барча ҳаракатларини чеклаб қўйишди. Учрашувнинг 53-дақиқасида майдонга тушган Воҳид Шодиев қутқарувчи вазифасини бажариши мумкин эди. У ўйинга қўшилиши ҳамоноқ бурчакдан етказиб берилган тўпни боши билан рақиб дарвозаси томон йўналтирди. Шу куни жуда яхши ўйин намойиш қилган рақиб дарвозабони қўллари қолиб, боши билан тўпни қайтариб юборди.

Захирадан ўйинга қўшилган Сато Минори ва Забиҳилло Ўринбоевлар айтарли даражада ўйинни кучайтириб юборманган бўлсалар-да, вазиятни жамоалари томон ўзгартиришга ҳаракат қилишди. Учрашувнинг 89-дақиқасида Артём Филипосян мухлисларни ҳаяжонга солди. Аммо унинг узоқ масофадан берган кучли зарбаси бироз ноаниқ кетди. Шундай қилиб, "Бунёдкор" клуби ўз майдонида рақибга имкониятни бой бериб, "Пресеполис" клубини гуруҳда якка пешқадам бўлишига имконият яратди.

Мазкур гуруҳдаги иккинчи ўйинда дуранг қайд этилиб, "қалдирғочлар" учун гуруҳдан чиқиш йўлидаги ишлар бироз яхшиланди.

**"А" гуруҳи**

| № | Жамоа | Ў | О |
|---|---|---|---|
| 1 | Персеполис | 2 | 6 |
| 2 | Ан-Наср | 2 | 2 |
| 3 | **Бунёдкор** | 2 | 1 |
| 4 | Лаҳвия | 2 | 1 |

**ОЧЛ, "А" гуруҳи, 2-тур**
**"Бунёдкор" — "Персеполис" 0:1**

Шу куни Саудия Арабистонида "Аш-Шабоб" клубига қарши баҳс олиб борган пойтахтимизнинг иккинчи жамоаси 2:2 ҳисобидаги дурангни қайд этди.

"Пахтакор" клуби футболчилари бир-бирига ўхшамаган иккита бўлим ўтказишди. Биринчи бўлимда вакилларимизнинг ўйини қовушмагани етмагандек, ҳимояда қўпол хатоларга йўл қўйишди. Биргина "Аш-Шабоб" клубининг бразилиялик аъзоси Рафиньянинг ўзи ҳимоячиларимизни бутун бўлим давомида қийин аҳволга солиб қўйди. Клубимиз бахтига жамоамиз посбони бир қатор зарбаларни қайтаришни уддалади. Бир вазиятда эса тўп икки марта "шерлар" дарвозаси устунига тегди. Айтиш мумкинки, ўша вазиятда омад Самвел Бабаян шогирдларини қутқариб қолди.



Мезбонларнинг кетма-кет уюштираётган ҳужумлари охир-оқибат ўз самарасини берди. Жон Антви жарима майдончаси ичида деярли дарвозабон билан бирга-бир вазиятда зарба берди. Жамоамиз посбони бир амаллаб тўпни қайтарди. Аммо Александр Мерзляковнинг зудлик билан тўпни майдон ташқарисига чиқариб юбориш ўрнига ўзида сақлаб олиши натижасида рақиб футболчиси етиб келиб, тўп йўлига ташланди ва ўйиндаги ҳисобни очди.

"Пахтакор" футболчилари иккинчи бўлимда бутунлай бошқача ўйин кўрсата бошлашди. Рақиб дарвозаси томон кетма-кет хавфли ҳужумлар уюштирилиши бесамар кетмади. Ўйиннинг 62-дақиқасида Жалолиддин Машарипов чап қанотдан дарвозабон майдончасига тўп узатди. Ҳужумда ҳар бир вазият учун жон-жаҳди билан кураш олиб бораётган Игор Сергеев охир-оқибат мақсадига етишди. Игорнинг оёқ билан берган зарбаси бир қарашда муваффақиятсиз чиққандек кўринди. Аммо тўп кутилмаган йўналишда дарвозабоннинг устидан ошиб тушаётганида рақиб посбони тўпни қайтарди. Қайтган тўпни И.Сергеевнинг ўзи дарвоза тўрига жойлаб қўйди.

Ҳисобни тенглаштириб олган вакилларимиз голдан руҳланган ҳолда олдинга ташланишди. Орадан кўп ўтмай, яна ўша тиниб-тинчимас Игор Сергеев жарима майдончасида рақиб ҳимоячиларини хато қилишга мажбур этди. Натижада мезбонлар дарвозаси томон пенальти белгиланди. 11 метрлик жарима нуқтасига яқинлашган Кахи Махарадзе пенальтини аниқ амалга ошириб, жамоасини олдинга олиб чиқди.

Шундан сўнг мезбонлар ҳам жонланиб қолишди. Аммо мағлубиятдан қутулиб қолишлари учун бизнинг футболчилар қарашиб юборишди. Ҳаводан келаётган тўпни қайтаришда ноаниқ ҳаракат қилган Даврон Ҳошимовнинг хатосидан сўнг "Аш-Шабоб" футболчилари чиройли ҳужум ташкил қилишди ва ҳисобни тенглаштиришди.

Орадан бир муддат ўтиб, Даврон Ҳошимов яна бир бор худди шундай хатони такрорлади. Яхшиямки, рақиблар бу сафар унинг "туҳфа"сидан унумли фойдалана олишмади.

Ушбу дурангдан сўнг "Пахтакор" клуби ўз очколари сонини 4 тага етказди ва гуруҳ пешқадамлигини сақлаб қолди. Гуруҳдаги иккинчи ўйинда ҳам дуранг қайд этилди.

**"В" гуруҳи**

| № | Жамоа | Ў | О |
|---|---|---|---|
| 1 | **Пахтакор** | 2 | 4 |
| 2 | Аш-Шабоб | 2 | 2 |
| 3 | Ал-Айн | 2 | 2 |
| 4 | Нафт Теҳрон | 2 | 1 |

**ОЧЛ, "В" гуруҳи, 2-тур**
**"Аш-Шабоб" — "Пахтакор" 2:2**

**Мақсудали ҚАМБАРОВ** тайёрлади


*Реклама (эълон)лар*

**"EFFECT REAL GROUP" масъулияти чекланган жамияти барча тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, кичик бизнес вакиллари ҳамда хусусий тадбиркорлар ва жисмоний шахсларни очиқ танлов савдоларига таклиф этади.**

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга танлов асосида ер участкалари беришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 147-сонли Қарори ва Фарғона шаҳар ҳокимининг 2015 йил 26 январь кунги 16-фсонли фармойиши ва Фарғона шаҳар ҳокимлигининг 2015 йил 25 февраль кунги 643-01-22-сонли хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қўйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи қўйилмоқда.

Фарғона шаҳар, Юксалиш (собиқ Қувасой) кўчасидаги "иссиқлик манбаи" ҳудудидаги шаҳар ҳокимлиги захирасида бўлган ер майдонига "Темир-бетон. Металлочерепица ва шпаклёвка" қурилиш материаллари маҳсулотларини ишлаб чиқариш цехи қуриш учун **1.0 га. ер участкаси.** Ер участкасининг минимал қиймати **974 390 сўм.**

Талабгорлардан буюртманоманларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2015 йил 31 март куни соат 17:00да тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Фарғона шаҳар ҳокимлиги биносида 2015 йил 1 апрель куни соат 16:00да очилади ва 2015 йил 2 апрель куни мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади.

Ер участкасига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "Савдогарбанк" Фарғона вилоят бўлимидаги МФО: 00500, СТИР: 302128329, 20208000704943278001 ҳисоб рақамига тўлашлари керак.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар буюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахсларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— танлов ташкилотчисига закалат тўланганлиги тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

— танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

**Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили: Фарғона шаҳар Аҳмад Фарғоний кўчаси 43-уй 24-хона. Тел: +99895 404-54-84. веб-сайт: www.effect.uz Лицензия 0094.**

**Хизматлар лицензияланган**

**"Effect Real Group" МЧЖ томонидан ташкиллаштирилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга танлов асосида ер участкалари беришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 147-сонли Қарори асосида ер участкаларига бўлган доимий фойдаланиш ҳуқуқларининг 2015 йил февраль ойида бўлиб ўтган тендер савдолари натижалари.**

Фарғона шаҳар Баллакон кўчасида икки қаватли 1-сонли "Нон ишлаб чиқариш цехи" қуриш учун **216,0,0 кв.м. ер** участкаси. Ер участкасининг минимал баҳоси **205422 сўм.** Сотилиш баҳоси **2 000 000 сўм.** Фарғона шаҳар Баллакон кўчасида икки қаватли 2-сонли "Нон ишлаб чиқариш цехи" қуриш учун **216,0,0 кв.м. ер** участкаси. Ер участкасининг минимал баҳоси **205 422 сўм.** Сотилиш баҳоси **2 000 000 сўм.** Фарғона шаҳар Саккокий кўчаси "Аквапарк" ҳудудида "Минифутбол" майдончаси ва унинг таркибида ечиниш ва кийиниш хоналар қуриш учун **3500,0 кв.м. ер** участкаси. Ер участкасининг минимал баҳоси **3691640,4 сўм.** Сотилиш баҳоси **5 000 000 сўм.** Фарғона шаҳар А.Қодирий кўчасида икки қаватли савдо дўкони ва миллий чойхона ҳамда пархез таомлар ошхонаси қуриш учун **1400,0 кв.м. ер** участкаси Ер участкасининг минимал баҳоси **1363922,0 сўм.** Сотилиш баҳоси **15 000 000 сўм.** Фарғона шаҳар Янгизамон кўчасида икки қаватли умумий овқатланиш, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш, шунингдек, гўзаллик уйи ҳамда турар жой қуриш учун **1600 кв.м. ер** участкаси. Ер участкасининг минимал баҳоси **1 558 768 сўм. Сотилиш баҳоси 15 000 000 сўм.**

**Хизматлар лицензияланган**


## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Самарқанд вилоят прокуратураси жамоаси вилоят прокурори Баҳодир Деҳқоновга волидаи муҳтарамаси **Ойса ая ҚУРБОНОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Наманган вилоят прокуратураси жамоаси вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи Бобур Деҳқоновга волидаи муҳтарамаси **Ойса ая ҚУРБОНОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

# Табаррук ёш

*38 йиллан ортиқроқ вақт мобайнида Қорақалпоғистон Республикасида эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш ҳамда ҳуқуқий-амалий тажрибасини ёш ходимларни тарбиялашга бахшида этиб, жамоатчилик эътиборига сазовор бўлган инсон, прокуратура фахрийси Жалгас Калилаев табаррук 90 ёшни қарши олмоқда.*

Иш фаолияти мобайнида Қораўзак туман Ички ишлар бўлимида инструктор, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида тезкор ходим, Кегейли туман Ички ишлар бўлимининг бошлиғи, Мўйноқ туман прокуратурасининг терговчиси, Нукус шаҳар прокурорининг ёрдамчиси, Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг ёрдамчиси ва катта ёрдамчиси лавозимларида самарали хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

У ишлаш даврида ижобий фаолият кўрсатиб, меҳнатсеварлик, изланувчанлик, адолатпарварлик, ташаббускорлик каби фазилатлари туфайли барчанинг ҳурмат-эътиборини, ишончини қозониб келди. Камтарлиги, фидойилиги, хизмат бурчига содиқлиги билан ҳамкасблари ҳурматига сазовор бўлди.

Жалгас Калилаевнинг узоқ йиллик меҳнат фаолияти ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳоланиб, "Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган юрист" унвони ва қатор медаллар билан тақдирланди.

Ҳурматли Жалгас Калилаев, қутлуғ 90 ёшингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга мустаҳкам соғлик, узоқ умр, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилаймиз!

# Қутлуғ айём

*Кўп йиллар мобайнида қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг осойишталигини ҳимоя қилишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келган инсонлардан бири прокуратура фахрийси Юрий Дмитриевич Архипов қутлуғ 75 ёшни қарши олмоқда.*

У меҳнат фаолияти давомида Тошкент шаҳар ва туманлари прокуратураларида терговчи, катта терговчи ҳамда Республика Бош прокуратурасида алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчи лавозимларида самарали хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Юрий Дмитриевич ўз меҳнатсеварлиги, кўп йиллик амалий иш тажрибаси, теран билими, ёшлар ва шогирдларга бўлган ғамхўрлиги билан ҳамкасбларининг эъзозига сазовор бўлди. У қаерда ва қайси лавозимда ишлашидан қатъи назар, камтарлиги, фидойилиги ва хизмат бурчига содиқлиги билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари орасида ҳурмат қозонди.

Юрий Дмитриевичнинг узоқ йиллик меҳнат фаолияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, "Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими" кўкрак нишони билан мукофотланди ва бир неча маротаба рағбатлантирилди.

Ҳурматли Юрий Дмитриевич, қутлуғ айёмингиз муборак бўлсин! Сизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилаймиз!

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази**

# Фахрийлар билан учрашув

***Прокуратура органларида хизмат қилаётган ёш мутахассисларнинг касб маҳорати ва малакасини ошириш, уларнинг ўз ишини мукаммал ўрганиб, етук мутахассис сифатида шаклланишига, ўзига юклатилган вазифаларни виждонан адо этишига эришиш мақсадида прокуратура органларида узоқ йиллар меҳнат қилган прокуратура фахрийлари билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курсларида таҳсил олаётган тингловчилар ҳамда жойлардаги ёш мутахассисларнинг учрашувлари ва давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда. Шундай учрашувлардан бири Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг мажлислар залида бўлиб ўтди.***

"Ижтимоий ҳимояга доир қонунлар ижроси устидан прокурор назорати самарадорлигини ошириш масалалари" мавзусида Олий ўқув курслари тингловчилари — янги лавозимга тайинланган туман, шаҳар ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ҳамда "Иқтисодиёт соҳасига оид жиноятларга қарши курашишнинг долзарб масалалари" мавзусида СВОЖЖДЛҚК департаментининг туман (шаҳар) бўлимлари бошлиқлари билан Ўзбекистон прокуратура органлари фахрийларининг учрашуви бўлди. Тадбирга прокуратура фахрийси, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Александр Красиков ташриф буюрди. Тадбирни Олий ўқув курслари катта ўқитувчиси Бахтиёр Пўлатов кириш сўзи билан очди.

Учрашувда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази раиси Ботир Калонов сўзга чиқиб, Марказнинг иш фаолияти, ташкил этилганидан ҳозирги кунга қадар олиб борилаётган ишлари, прокуратура раҳбариятининг кўрсатаётган эътибори, фахрийларнинг ижтимоий муҳофазаси, байрамлар муносабати билан уларни табриклаш, ўтказилаётган тадбирларга таклиф қилиш, уларнинг юбилейларига бориб, Бош прокурор табрикларининг топширилиши кабиларга алоҳида тўхталиб ўтди. Шунингдек, Ботир Калонов тингловчиларга тадбир меҳмони, фахрий прокурор Александр Красиковнинг ҳаёт йўли ҳақида гапириб берди.

Александр Красиков 1926 йил 14 августда Россиянинг Оренбург вилоятида туғилган. 1931 йилда Красиковлар оиласи Янгийўл шаҳрига кўчиб келади. Уруш бошланиб, отаси урушга кетганида у ҳали 15 ёшга ҳам тўлмаган эди.

Ўрта мактабнинг ўнинчи синфида ўқиётганида кўпчилик тенгқурлари қатори унга ҳам чақирув қоғози келади ва 1944 йилнинг январида ҳарбий хизматга олинади. Дастлаб Самарқандда, кейин Тошкентда радиотехника курсида таҳсил олгач, 1944 йилнинг октябрида фронтга жўнаб кетади. У урушда алоқачи ва радист сифатида 1944 йилнинг декабридан 1945 йилнинг 9 майигача иштирок этади ва Европанинг бир қанча йирик шаҳарларини, жумладан, Варшавани озод қилишда қатнашади.

Уруш якунланиб, суронли жанглар ортда қолса-да кучқувватга тўла, орзулари осмон Александр учун кураш ҳали якун топмаган эди. 1950 йилда соғлиғи туфайли ҳарбий хизматдан бўшатилгач, кўкси тўла орден ва медаллар билан Ўзбекистонга қайтди.

1950 йилдан 1954 йилгача Тошкент Давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) юридик факультетида таҳсил олган Александр Красиковнинг кейинги ҳаёти прокуратура билан чамбарчас боғланди. Ўқишни якунлаган йили у Кемерово вилояти прокуратурасига ишга юборилди. 1971 йилда Ўзбекистонга қайтиб, Тошкент шаҳар прокуратурасида фаолиятини давом эттирди. 1972-1986 йиллар давомида Ўзбекистон Бош прокурори ҳузуридаги алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчи, Тошкент вилоят ва шаҳар прокуратураларида терговчи, Транспорт прокуратурасида алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчи каби масъулиятли вазифаларда 34 йил ишлади.

1986 йилда 60 ёшга тўлган Александр Красиков пенсияга чиқса-да, касбига бўлган муҳаббат уни фаолиятини давом эттиришга ундади. У яна ҳамкасблари ва шогирдлари қаторига қайтиб, узоқ йиллар Бош прокуратура тизимида самарали меҳнат қилди. У прокуратура тизимида 50 йил хизмат қилди.

Александр Фёдоровичнинг қилган хизматлари ҳукуматимиз ва прокуратура раҳбариятининг томонидан муносиб баҳоланди. У мустақиллик йилларида "Жасорат" медали, "1941-1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллиги" юбилей медали, "Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларига 20 йил" эсдалик нишони, "Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими" кўкрак нишони билан тақдирланган.

Учрашув якунида Александр Красиков тингловчиларга маслаҳатлар бериб, уларнинг машаққатли меҳнатларида зафарлар тилади.

**Ўз мухбиримиз**

РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА

# «Асака» банк — ишончли ҳамкор

***Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг биз тадбиркорларга иш фаолиятимизни йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун катта имкониятлар яратилди. Мен мустақиллик йилларида тадбиркорлик фаолиятимни йўлга қўйдим ва катта муваффақиятларга эришдим. Тадбиркорликда эришган муваффақиятларимда, албатта, "Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки жамоасининг ёрдамини таъкидлаб ўтиш жоиздир.***

"Асака" банк республикамиздаги етакчи ва энг илғор банклардан бири саналади. Банк фаолияти доимо барқарор ривожланиб бормоқда. Банк фаолиятига халқаро рейтинг агентликлари томонидан берилган юқори рейтинг баҳолари шундан далолат беради. Жумладан, жаҳоннинг етакчи ва нуфузли халқаро рейтинг агентликлари саналмиш "Moody's Investors Service" ва "Fitch Ratings" томонидан қаторасига бир неча йиллардан бери "Асака" банк фаолиятига юқори рейтинг баҳолари берилмоқда, банк фаолияти "Барқарор" деб таъкидланмоқда. Бу эса мамлакатимиз ва хорижда "Асака" банкига бўлган ишончнинг ошиб бораётганлигида, банк фаолиятининг барқарорлигидан далолат беради. "Асака" банкда мижозларга хизмат кўрсатиш тезкор ва юқори даражада йўлга қўйилган. Биз ўзимизнинг молиявий масалаларимизни банк билан бирга тез муддатда ҳал қилишга ўрганганмиз.

Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган корхона, фирмаларга, шу жумладан, шаҳримизда хизмат кўрсатаётган ташкилотларга лизинг хизматлари кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган қурилиш материалларини етказиб берувчи автотранспорт воситалари сотиб олишни мақсад қилдик ва ниятимизни амалга ошириш учун "Асака" банк Шайхонтоҳур филиалида мурожаат қилдик. Банк ходимлари бизнинг сўровимизни қисқа муддатларда кўриб чиқиб, имтиёзли шартларда ижобий ҳал қилиб бердилар. Банк кредитлари ҳисобига 20 дона мамлакатимизда ишлаб чиқарилган юк ташувчи ва қурилиш материалларини етказиб берувчи автотранспорт воситаларини сотиб олдик.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, юртимизда ишлаб чиқарилаётган, жаҳон бозорларида рақобатбардош бўлган автотранспорт воситаларидан мамлакатимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларида кенг фойдаланилмоқда, халқимиз фаровонлиги учун хизмат қилмоқда. Ҳозирда ушбу автотранспорт воситалари Тошкент шаҳрида қурилаётган бино-иншоотларга ва аҳолига қурилиш материалларини етказиб бериш учун тезкор ва сифатли хизматлар кўрсатмоқда. Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида 35 та янги иш ўрни яратилиб, 10 нафар касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ҳам ишга қабул қилинди. Ўтган йили 2 млрд. сўмга яқин миқдорда хизматлар кўрсатдик. Бу йилги режаларимиз бундан-да юксак. Буни амалга оширишимизда "Асака" банк жамоаси бизни қўллаб-қувватлашига ишонамиз.

Биз "Асака" банк жамоасига ўз миннатдорлигимизни билдириб, уларга жорий "Кексаларни эъзозлаш йили"да юртимиз равнақи ва халқимиз фаровонлигини ошириш борасида олиб бораётган ишларида улкан муваффақиятлар тилаймиз.

**Шавкат ЗАИТОВ, "BUILD TECH LEASING" МЧЖ директори**

Хизматлар лицензияланган

**Huquq** yuridik gazeta

**Muassis:** O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

**Bosh muharrir:** Jahongir Jur`atovich MAKSUMOV

**Tahrir hay`ati:**
Hakimboy HALIMOV, Muxtor ZOIROV, Gulnoza RAHIMOVA, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o`rinbosari), Kamoliddin ASQAROV (mas'ul kotib)

**Tahririyat manzili:** Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
**Telefon:** 233-98-40, **Faks:** 233-10-53, 233-64-85
**E-mail:** huquq@huquq-gazeta.uz

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi. Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
[1] — tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi 231

Buyurtma S-2305. 48 197 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: O`.DEHQONOV
Sahifalovchi: S.BABAJANOV
Navbatchi: O`.DEHQONOV
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O`zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro`yxatga olingan.

ISSN 2010-7617